MILLIY KITOB PALATASI

2007 йил 8 июнь, жума.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

23 (406)-сон Сотувда эркин нархда.

ДАВРОН КЕЛДИ

Даврон келди — яратиш, ёниш,
Ҳур камолот даврони келди.
Сенга, халқим, Миллий тикланиш,
Тараққиёт даврони келди.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Бугун Тошкент шаҳрида «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди.

Анжуман кун тартибидаги асосий масала "Жамиятни янада демократлаштириш шароитида сиёсий партия олдида турган долзарб вазифалар" мавзуиси ҳисобланади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раислари, депутатлар, сиёсатшунос олимлар, партия фаоллари иштирок этишади.

Улар "Конституцион қонунлар берган ваколат ва ҳудудий партия гуруҳларининг олдида турган долзарб вазифалар", "Миллий ғоя тарғиботида партия фаолларининг истиқболдаги вазифалари", "Эркинлашаётган жамиятда сиёсий партиянинг ўрни, роли ва аҳамияти" мавзуларида фикр алмашишади.

Шунингдек, конференция қатнашчилари партиянинг сиёсий фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудий депутатлик гуруҳлари ишини янги босқичга кўтариш масалаларини ҳам муҳокама қиладилар.

Азамат АҲМАД
олган суратлар.

Ҳар йилнинг июнь ойи партиядошларимизни қарийб бир хил саволлар билан қарши олади: хўш, ўтган йил "Миллий тикланиш" демократик партияси учун қандай йил бўлди? Қандай ютуқлар қўлга киритилди? Нималарга эришилди-ю нималар бой берилди? Янада аниқроғи, партиянинг мамлакатимизда сиёсий куч сифатидаги мавқеи нечоғли ошиб-ортиб бормоқда?..

12 ЙИЛ: УЛҒАЙИШ ФАСЛИ

Ҳар йили партиянинг ташкил топган санасини нишонлаш қанчалик мароқли бўлса, шу каби саволларга очиқ-ошкора жавоб бериш, берилган жавоблардан ўзимизнинг келгуси фаолиятимиз учун зарур хулосалар чиқариб олиш шунчалик масъулиятли ҳамдир.

Аввало, биз ёш партиямиз дейдиган даврлар ортда қолди. Тажрибамиз етарли эмас, дея камчиликларимизни хаспўшлаш ҳам энди ярашмайди. Чунки республикамизда фаолият юритаётган бешала сиёсий партия учун тенг имкониятлар яратиб берилган, бешала партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси давлатимизнинг олий идорасида қонун яратувчилик миссияси билан шуғулланиб келмоқда. Қарийб уч йилдирки, партиянинг Марказий кенгаш девони "Миллий тикланиш"чиларнинг чинакам маънодаги марказига, юрагига айланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари билан деярли ҳар куни, зарурат туғилганида исталган дақиқада боғланиш, ахборот олиш, фикр алмашиш имконияти яратилган. Катта ташкилотчилик ишлари йўлга қўйилганлиги билан кенг омма назарига тушган туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ой сайин кўпайиб бормоқда. Муҳими, жойлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда "Миллий тикланиш" номидан фаол аралашаётган, у ёки бу масалада ўз фикри, нуқтаи назарини ифода этаётган вакилларимиз сони ортиб бормоқда.

Фаолиятимиздаги бу каби ижобий ўзгаришларнинг замирида жамиятимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, хусусан, ижтимоий-сиёсий ҳамда жамиятни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида эришилаётган демократик саъй-ҳаракатлар самараси ётибди десак, тўғри бўлур эди. Таъбир жоиз бўлса, партиямизнинг шаклланиш йўли республикамиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янгидан-янги босқичларга кўтарилиши жараёнларига эш бўлиб кетган дейиш мумкин. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини жамоат ташкилотлари, айниқса, сиёсий партияларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу маънода ҳам ЎзМТДП мамлакатимизда келажаги порлоқ жамият барпо этиш йўлида муносиб ўрин тутмоқда.

Тўғри, кўп ҳақиқатлар таққослаганда яққол кўзга ташланади. Партиямиз фаолиятига бошқа партиялар қиёсида назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йиллар мобайнида партиямиз рақобатбардошлик борасида бирмунча тобланди.

Гарчи депутатларимиз сон жиҳатидан озчиликни ташкил этса-да, ҳуқуқий жиҳатдан партиямиз фракцияси қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилиш ишларида бошқа партиялар билан тенг ваколатга эга. Чунончи, Тошкент шаҳридан, Тошкент вилоятидан, Андижон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган депутатларимиз сайловчилар билан учрашиб, улар билан доимий яқин алоқа ўрнатишган. Маҳаллий халқ депутатларимиз ҳам бирон дақиқа бўлсин зиммаларидаги шарафли вазифани унутмаяптилар. Шу ўринда фракция партиянинг ўзига хос мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи марказига айланганини таъкидлаш ўринли бўлур эди.

Партиялар ўртасидаги рақобат хусусида сўз борар экан, Қонунчилик палатасидан мумкин қадар кўпроқ ўрин эгаллаш нақадар зарурлигини, мазкур омил кўп жиҳатлардан ҳал қилувчи аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз шарт. Аввало, партияга давлат бюджетидан бериладиган маблағ миқдори депутатлар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Иккинчидан эса, 2008 йилнинг январидан кучга кириши режалаштирилган янги Конституциявий қонун партия фракциялари зиммасига катта мажбуриятларни юкламоқда. Гап шундаки,муҳтарам Президентимиз томонидан ташаббус тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Қонун фракция аъзоларини янада фаоллик кўрсатишга, партиянинг ҳудудий гуруҳлари, уларнинг аъзолари билан яқиндан ва бевосита иш ташкил этишга даъват этди. Мазкур қонун партиямизнинг барча бўғинларида муҳокама қилинди, маҳаллий халқ депутатларимиз фаолиятларини янги босқичга кўтариш, шу орқали жамиятда кечаётган жараёнларга партия фаоллари аралашувини, яъни назоратини йўлга қўйиш механизмлари ишлаб чиқишга киришилди. Партия гуруҳлари вазифаларини ташкиллаштиришда фракция аъзоларининг иштирокини йўлга қўйиш келишиб олинди.

Назаримда, партиямизнинг ҳозирги пайтдаги фаолиятида барча бўғинларнинг муштараклигига эришиш энг зарур, энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий кенгаш, ҳудудий кенгашлар, бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларда изчил узвийлик партиянинг кўп жиҳатлардан муваффақиятини таъминлайди. Халқона тил билан айтганда, бир ёқадан бош чиқариш, яъни тактика ва стратегияда яқдилликка эришиш пировард натижа — партиянинг ҳақиқий маънодаги сиёсий кучга айланишига замин яратади. Қолаверса, партия биринчи навбатда кадрлар масаласи ва муаммоси эканини ҳаёт бот-бот кўрсатмоқда десак, муболаға бўлмас.

Партия кадрга суянади, партиянинг тақдирини кадр ҳал қилади, етук кадрларнинг борлиги — партиянинг борлигидир! Бу борада биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатларини, шунингдек, нафақат партиямизнинг, балки халқимизнинг ҳам фахри, ғурурига айланган ижодкорларимиз, олимларимиз, шифокорларимиз ва бошқа соҳа эгаларини катта эҳтиром билан тилга оламиз. Вилоятларда, туманларда катта обрў-эътиборга сазовор етакчиларимиз борлигидан, уларнинг атрофида катта хайрихоҳлар қатлами жипслашганидан ҳақли равишда фахрланамиз. "Миллий тикланиш" партияси дастуридаги яхши ниятларни халқ орасида оммалаштиришдек шарафли вазифани амалга ошириш учун, — деди Тошкент Молия институтида бўлиб ўтган учрашувда фалсафа фанлари доктори, профессор Самиғ Раҳимов зўр бир самимият билан, — аввало, халқ орасига киришимиз зарур. Халқ билан боғланмоқ керак. Шу борада керак бўлса, мен шу ёшимда республикани пиёда кезиб чиқишга тайёрман!"

Мўйсафид ёшдаги устоз домланинг бундай оташин сўзлари кўплаб партия етакчиларимиз хатти-ҳаракатларига янада жон бахшида қилади, деб ўйлаймиз.

Яна бир мисолга Термиз туманидаги 2-умумтаълим мактабида дуч келдик. Ўқув масканининг шинам ва саришта ҳовлисига кирсангиз кўзингиз яйрайди. Ўқув синфхоналари, лаборатория хоналари, ҳатто компьютер синфини томоша қилиб беихтиёр тасанно айтасиз! Боиси — ёшлари 80 ни қора тортган директор Орол Примқуловнинг тиниб-тинчимаслиги, топқирлиги, мактаб ҳовлисида кўчатчилик томорқасини яратиб, шунинг ҳисобидан ўқув масканининг кам-кўстини тўлдириш йўлга қўйилгани, айниқса, бу ишлар бевосита ўқувчилар иштирокида амалга оширилаётгани диққатга сазовор. Директор отахоннинг янада катта ниятлар билан партиямиз сафига кириб, "Миллий тикланиш" билетини фахр билан қўлга олганларини, мана, бугун биз мамнуният ила тилга олмоқдамиз!

Тошкентнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган ҳунармандчилик коллежи директори Ҳасан Юлдашев педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси ЎзМТДП Уставида ва Дастурида зикр этилган "Устоз — отангдек улуғ!" шиорига мос келади. Бунинг натижаси ўлароқ мазкур илм-ҳунар маскани жамоаси билан партиямиз ўртасида яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилдики, бу ва бунга ўхшаш мисолларни кўплаб санаб ўтишимиз мумкин.

Биз бугун нима ҳақда сўз очсак, 12 йиллик маррадан туриб олис ва порлоқ келажакни кўзламоғимиз даркор. Зеро, партиямиз улғайиш, қад ростлаш ва ўз кўрк-тароватини кўз-кўз қиладиган фаслда яшамоқда. Бу фаслда мақтов ҳам, танқид ҳам самимий бўлсагина амалий самара беради. Шу боис ҳам биз эришган ютуқларимизга ҳам, эришолмай қолган орзу-ниятларимизга ҳам холис ва танқидий руҳда назар ташлай олишга одатланмоғимиз даркор. Мана шундагина умумпартиявий ишларимизни янада тўғри ва самарали йўлга қўйишга эришамиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

«БОРИ ЭЛҒА ЯХШИЛИҒ ҚИЛ...»

Файласуфлар ҳаётни курашлар мажмуаси, деб таърифлашади. Ташқаридан кузатсангиз, ушбу хулосанинг тўғри эканлиги ўз тасдиғини топади. Аммо одамзотнинг ёруғлик маҳзанига келиб-кетишини қандай тушунмоқ керак? Инсон бошқа мавжудотлардан фарқ қилар экан, унинг бу дунёдаги рутбаси нималардан иборат? Келинг, аждодларимиз ўтмишига бир кур назар ташлайлик.

IX асрда яшаб ўтган аллома Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит-турк» асарини ёзганида нималарни назарда тутган эди? Уни Осиё бўйлаб кенг ҳудудларга тарқалган туркий қавмлар тилини ўрганиб чиқишга қандай куч мажбур этди? Бу омонат дунёда ўз тириклиги учун ҳаракат қилиб юрса бўлмасмиди? Айтиш жоизки, унда миллатсеварлик ҳисси туғён уриб, яратувчанлик иштиёқи орқали жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш нияти жўш урганди. Бу эзгу орзулар йўлида барча қийинчиликлардан асло чўчимади. Тил қонунлари, равон сўзлашиш орқали илму фан ривожини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мумкин. Буни олим теран англаган, бутун умрини, иқтидорини шу ишга сафарбар этган. Натижада, авлодлар фахрига айланган илмий асар вужудга келди.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ҳазратлари ҳам умрини зиё тарқатишга бахшида этди. Улкан салоҳият натижасида юзага келган барҳаёт асарлари нафақат ўз элига, ҳатто, башарият аҳлига беминнат хизмат қилди, қилаётир ҳам. Ёзилган битиклар ғояси инсонпарварлик, олижаноблик, қадрият силсилаларини ўзида мужассамлаштирди. Бундан мақсад шуки, ҳар бир одам фақат ўзи учун эмас, бошқаларга ҳам наф келтириши керак. Ватан ва жамият тараққиётини таъминлашда фаол иштирок этиши зарур. Буни қуйидагилар тасдиқлайди:

Одами эрсанг
демагил одами —
Ониким, йўқ халқ
ғамидин ғами.

Айни дамда ул зотнинг:

Менга қилса минг
жафо, бир қатла
фарёд айларам,
Элга қилса бир жафо,
минг қатла фарёд
айларам, —

мисралари ҳар бир шахс қалбини уйғоқ тутади.

Енгилмас саркарда — шоҳ Муҳаммад Бобур мирзо ҳам ҳинд сори юзланганида кишилик жамияти равнақини кўтаришга интилган. Ер юзининг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳал тарихий обидаси инсон шарафини улуғлашга асосланади. У ўзга миллат, ўзга элат истиқболини юксалтирди. Демак, одамийлик нафақат ўз халқини, балки бошқалар манфаатини ҳам ўйлашни тақозо этаркан. Шу билан бирга, ҳар ким ўзлигини топмоғи шартки, бобокалонларимизнинг хайрли ишларини давом эттиришимиз заруриятини туғдиради. Мирзо Бобур айтганларидек:

Бори элға яхшилиғ
қилғилки, мундин
яхши йўқ,
Ким, дегайлар
даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшганлиги билан тарихда қолган. Тарихдан маълумки, жаҳонгирлар мамлакатларни босиб олгач, у ерда вайронагарчилик баробарида юрт иқтисодий таназзулини келтириб чиқарган. Аммо бизнинг бобомиз ҳамма ерда мадраса-ю эл корига ярайдиган иншоотлар қурдирган. Илмли, зиёли кишиларга катта эътибор берган ва беғараз ғамхўрликлар кўрсатган. Йиғилган хазинанинг аксарияти маърифат йўлига сарф қилинган.

Жорий йилнинг 16-19 апрель кунлари Президентимиз Миср Араб Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Бу арабларнинг халқимиз фарзандига юксак эҳтироми эди. Нега? Эҳромлар юртида бизнинг аждодларга бунчалик ҳурмат қаёқдан пайдо бўлди? Гап шундаки, IX асрдаёқ Нил соҳили сув сатҳини ўлчаб турадиган махсус устурлоб зарур эди. Уни бизнинг тупроқда ўнибўсган олим ихтиро қилган. Мазкур устурлоб мамлакат иқтисодиётининг ўсишини таъминлади. Натижада, одамлар турмуш даражаси юксалди, фаровон ҳаёт вужудга келди. Дунё аҳли бугун ҳам ўзбек миллатига миннатдорчилик изҳор этаётир.

Гапираверсак, гап кўп. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аждодлар удумини давом эттиришга кенг имкониятлар эшиги очилди. Қадриятларни тиклаш ҳар жабҳада юз кўрсатяпти. Чунончи, азиз авлиёлар мақбаралари таъмирланиб, асл ҳолатига келтириляпти. Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмийлар каби дунёвий илмларга сезиларли таъсир кўрсатган алломалар, тарихий шаҳарларимиз — Термиз, Бухоро, Хива, Тошкент, Марғилон, Самарқанд шаҳарларининг юбилейларини ўтказиш ана шу мақсадга хизмат қилади. Айниқса, бу йил Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши жаҳон аҳлининг бизга бўлган яна бир эҳтиромидир. Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган саволни эсласак, муаззам ҳаётнинг мантиқи олам аҳлига яхшилик улашишдир. Бинобарин, улуғлари кўп ўтган аждодлар ворислари сифатида биз ҳам эзгуликлар шаҳдида яшашимиз керак эмасми? Бунинг учун юртимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрашимиз, истиқлол имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, илм-фан чўққиларини забт этишимиз, ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдирмоғимиз даркор. Бунда ота-боболаримиз руҳлари ҳамиша ёр бўлғуси...

Аввало, элни ўйлаган одамгина ўзлигини сақлаб қолади. Ўзини топган инсонгина жамият ривожини таъминлай олади. Бу борада тарихда бизга ибратли мисоллар кўп. Ундан керакли хулосани чиқариш эса ҳар биримизнинг ақлу заковатимизга боғлиқ.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Мустақиллик — менинг тақдиримда

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ХАЁЛ

Бундан олти йил муқаддам фермер хўжалиги ташкил қилган эдик. Айни пайтда 176 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Ўтган давр мобайнида 30 га яқин иш ўрни яратилди. Экин майдонларимизда қимматбаҳо саноат хомашёси ҳисобланган пахта, ғалла етиштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иш яхши йўлга қўйилганлиги боис натижа ҳам самарали бўлмоқда. Масалан, 2005 йилда 35 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. Ўтган йили эса бу кўрсаткич янада юқори бўлди. Ҳозир турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникаларига эгамиз. Шунингдек, бир неча автомашинамиз ҳам бор. Бундан ташқари, ишчиларнинг ойлик маошлари кўпайиб бормоқда. Бу эса одамларимиз турмуш даражасининг ошишига олиб келаяпти.

Дарвоқе, бундай ютуқларни қўлга киритиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Илғор тажрибалар ўзлаштирилаётганлиги, ерга илмий асосда ишлов беришнинг йўлга қўйилганлиги, аъзоларимизнинг моддий манфаатдорлигини муттасил ошириб бориш эвазига муваффақиятларга эришилмоқда. Ерга эгалик ҳуқуқи ўзимизга берилганлиги, хўжалик юритишни мустақил равишда олиб бораётганлигимиз кўрсаткичларимизнинг яхшиланишида муҳим омил бўлмоқда.

Мен оддий ўзбек деҳқони дунё кўрдим десам, муболаға бўлмайди. Ўтган йилларда қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибалар билан танишиш мақсадида икки марта Миср давлатида, бир марта Италияда бўлиб, замонавий технологиялардан фойдаланиш сирларини ўрганиб қайтдим. Ҳозир буни ўз фаолиятимда қўллаяпман. Натижа ёмон эмас. Шукрки, меҳнатимиз самарасини кўриб турибмиз.

Баъзида ўйлаб қоламан: агар мустақиллик бўлмаганида, шундай эркин ишлаш қаёқда эди. Менга ўхшаган оддий деҳқон фарзанди чет элларга бориб келармиди? Замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларининг тасарруфимда бўлишлиги тушга ўхшайди, аммо бу — ҳақиқат! Хуллас, истиқлол ҳаётимизга рўшнолик олиб кирди. Ким қайси фаолиятни танласа, астойдил ишласа барча имкониятлар мавжуд. Буни биргина менинг турмушимда ҳам кўрса бўлади.

Абдималик КАРИМОВ,
Оққўрғон туманидаги
"Покиза-М" фермер
хўжалиги раҳбари.

Газетамизга 2007 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Парламент соати

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистонда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жамиятнинг барча жабҳаларини модернизациялаш борасида катта тажриба тўпланди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун демократик ривожланиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган қонунчиликни, яъни ҳуқуқий кафолатларни янада такомиллаштириш республикамизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг мантиқий давомидир.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига эътибор кучайиб бораётир. Ижро ҳокимияти тизимини шакллантиришда ҳам сиёсий партияларнинг роли ортди. Сиёсий партиялардан сайланган депутатлар жойларда ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатиш, уларнинг фаолиятини назорат қилишда фаол иштирок этиш учун ҳуқуқий механизмлар яратилди. Сиёсий партияларнинг мавқеи орта бошлади. Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш барчамизни қувонтирмоқда. Энди партиялар, шу жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси аҳолини янада кўпроқ қўллаб-қувватлашига эришиш учун фаолроқ ишлаши лозим. Кўп нарса сиёсий партияларнинг бу имкониятлардан қай даражада фойдаланишига боғлиқ.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш микёслари ҳам кишини қувонтиради. Яқинда матбуотда эълон қилинган Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотида кўрсатилганидек, мамлакатимизда 2007 йил биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил этди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш режа асосида амалга оширилди. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига 602,5 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 фоизга кўп маблағ йўналтирилди. Бу жами бюджет харажатларининг 53,1 фоизини ташкил этди.

Конституциявий қонунда парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилди.

Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг олдида турган вазифалар мунтазам муҳокама қилинаётир. Партиямиз қонундан келиб чиқиб ўз фаолияти йўналишларини белгилаб олди. ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда партиямиз ўз Устави ва Дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Жорий йилнинг апрель ойида Хоразм вилоятида бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг сайёр Раёсат йиғилишида Конституциявий қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича режалар белгилаб олинди. Партиянинг ташкилий тузилмалари ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, фидойи аъзолар ва хайрихоҳлар сонини кўпайтириш ҳам бугунги муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Айниқса, Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, шу аснода ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида "Энг яхши бошланғич партия ташкилоти", "Вилоятнинг энг фаол кенгаши", "Йилнинг энг яхши вилоят кенгаши" бўйича танлов эълон қилингани ҳам айни муддао бўлди.

Шу кунларда партиямиз ташкил топганининг ўн икки йиллик шодиёналари нишонланади. ЎзМТДП халқимиз миллий ва маънавий бирлигини мустаҳкамлашга чорловчи ҳамда ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритувчи сиёсий кучдир. Мақсадимиз миллий қадриятларимиз ва энг илғор жаҳон тажрибалари асосида жамиятимиз тараққиёт йўлини белгилаб олиш, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз учун озод ва обод юрт яратишдан иборат экан, Ўзбекистонни Ватан деб билган, унинг равнақига куч-қудратини бахшида этишга тайёр ҳар бир фуқарони сафларимизда кўришдан бахтиёрмиз.

Бахтиёр КУШАКАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Нодира Салиҳова Тошкент шаҳар марказий тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг 4-ихтисослаштирилган кардиологик тиббий меҳнат экспертиза комиссияси кардиологи. Бу тажрибали шифокор Ижтимоий ҳимоя йилида ногиронликка чалинган беморларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўзининг хушмуомалалиги билан касбдошлари ўртасида ҳурмат топмоқда.

— Ҳар қандай касалликни енгиб ўтиш учун аввало ишонч керак, — дейди у. — Бизга мурожаат қиладиганларнинг аксарияти сурункали дардга чалинган беморлардир. Уларнинг кўпчилиги бепарволиги, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмаганлиги оқибатида шундай оғир дард билан оғриган. Шунинг учун ҳар бир инсон соғлиғига эътиборли бўлишини истаймиз.

Суратда: биринчи тоифали кардиолог Нодира Салиҳова.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Партиядошларимиз ҳақида ҳикоялар

Мамлакатимиз аҳолисининг 68 минг нафардан зиёди бугун ўз тақдирини партиямиз билан боғлаган. Бу партиядошларимизнинг дастурда илгари сурилган эзгу ғояларга масъуллигини кўрсатади. Орамизда партия ишини пухта эгаллаган, фидойилик билан ишлаётганлар кўп. Таъбир жоиз бўлса, ўзининг мучал ёшини нишонлаётган зиёлилар партиясининг сафида туриб ўз фикрини, нуқтаи назарини ўртага ташлаб, режаларни амалга оширишга бош-қош бўлаётганлар бундай кишиларни фахр билан партия жонкуярлари дейишни ўринли деб биламан.

ТАШАББУСКОР РАИС

Фақат жонкуярлик билан иш битмайди, албатта. Камтарин, шижоатли, сўзи ва иши бир бўлишига интилган инсонгина ҳурматга сазовор бўлади. Зиёлилар партияси ташкил топганида унга биринчилардан аъзо бўлган партиядошларимиз қаторида Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шарипов ҳам бор. У 2003 йилдан мазкур вазифада бир қанча ибратли ишларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлди. Асосий эътиборни партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш, сафларимизни мустаҳкамлаш, партия нуфузини янада ошириш, аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратди. Бу даврда партия аъзолари сони 2,5 минг нафардан 8 минг нафарга, бошланғич ташкилотлар сони эса 53 тадан 236 тага кўпайди.

Узоқ йиллар давомида турли жойларда масъул вазифаларда ишлаб, тажриба орттирган, ҳамжиҳатликни муҳим деб биладиган бу инсоннинг иш услуби, етакчилиги вилоят миқёсида ўтадиган тадбирларда тезда ўз ифодасини топди. Оддий бир мисол. П. Шариповнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида кейинги икки йил ичида 100 нафардан зиёд кам таъминланган оилага моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. "Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак", деган нақлни ҳаётий шиорга айлантирган савобталаб кишилар қаторида у кўпинча муҳтожларга, рўзғорида камчилик сезилиб қолганларга ўз ҳисобидан ҳам ёрдам беришга одатланганини биров билса, биров билмайди. Қайсидир бир оилага қорамол, бошқасига яна бир рўзғорнинг камчилигини бутлайдиган буюм ҳадя қилади.

— Фаоллар бошчилигида кўпгина хайрли ишларни қилдик, — дейди Пахритдин ака. — Наманган шаҳридаги "Қизил кўприк", "Атанган гузар", "Дўстлик", "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган милиция таянч пунктлари, маҳалла идоралари таъмирланди. «Қозонбулоқ», «Баландарик» маҳалласидагилар, янгиқўрғонликлар эса кўчаларига тунги ёритгичлар қўйилганидан мамнун. Шаҳардаги 59-умумтаълим мактабида "Ҳуқуқий ресурс маркази" ташкил этилиб, зарур кўргазмали қуроллар, қўлланма ва адабиётлар билан жиҳозланди. Наманган давлат университетида, коллеж, академик лицей ва мактабларда ёшлар иштирокида очиқ маълоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Ўқувчи ёшларнинг билим ва салоҳиятини ошириш мақсадида "Сирли бурчак", "Ёш билимдонлар" каби кўплаб кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Партия сафлари ташаббускор, фидойи ёшлар, олиму зиёлилар ҳисобига янада кенгайди. Айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир. Байрам кунларида совғалар билан кам таъминланган оилаларга боришни, кексалар, ногиронларни йўқлашни фаолларимиз ўз бурчи деб билишади.

Табиийки, аъзолар сонининг ортиши, ишларнинг жадаллашиши ҳам фидойи етакчиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Ҳар бир вилоят кенгаши бу борада ўзига хос тажриба орттирган. Очиғини айтиш керак, Хоразм вилоят кенгаши тажрибаси оммалаштирилганда барча партиядошларимиз ҳам ўз иш режаларини янгилаб олишди. Наманганликлар ҳам фикрлашиб, келгуси режаларини белгилади. Шу боис, вилоят кенгаши билан кўпгина корхона ва ташкилотлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Қирғиз ва Корейс миллий маданий марказлари билан биргаликда дўстлик фестивалларини, танловлар ўтказиб келинаётир. Юқорида айтганимиздек, зиёлилар партиясининг фидойилари юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар билан биргаликда юриб, эзгу ишларни амалга ошириб келишаётир.

Рустам ОТАМИРЗАЕВ.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

Партиямиз сафларида ҳар бир ишга талабчанлик билан ёндашадиган инсонлар кўп. Табиийки, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан сафларимиз ватанпарвар, фидойи кишилар ҳисобига янада кенгайиб бормоқда. ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фурқат Тошбоев ҳам ана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётганлардан биридир. У Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини тугатиб, бир неча йил мактабда дарс берди. 2001 йилда уни Жиззах давлат педагогика институтига ишга таклиф қилишди. Шундан буён институтда талабаларга илм-фан сирларини ўргатиб келаётир. Шу билан бирга, илмий иш ҳам олиб бормоқда. У илмий-маърифий мақолалари билан матбуотда тез-тез қатнашиб туради. Республика ва халқаро миқёсдаги конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб келади.



— Ватан тарихини ўрганишнинг яхши томонлари кўп, — дейди у. — Ўтмишдаги бой тарихий, маданий, адабий меросимиз ҳақида қанча кўп билсак, ҳаётга бўлган муносабатимиз, фикримиз шунча теранлашиб бораверади. Қалбингизда миллий ғурур яшаса ҳеч бир ишга бефарқ қарай олмас экансиз. Миллий ғурур эса миллий қадриятларни, анъаналарни ўрганганда, асл ўзлигингизни таний бошлаган пайтингизда уйғонади. Зиёлилар партиясига аъзо бўлишимга сабаб ҳам шу туйғунинг кучлилиги эди, назаримда. Партия дастурида илгари сурилган ғоялар замирида мени кўпдан бери ўйлантирадиган эзгу ишлар ҳақида сўз боргани учунми, шу партия сафида бўлишга ўзимни бурчли деб биламан доим. Талаба ёшлар билан бўлган суҳбатларимизда, очиқ дарсларда уларнинг фикрлари билан кўп ўртоқлашаман. Ўйлайманки, ўзини шу жаннатмакон юртнинг фуқароси деб билган ҳар бир киши бу юртнинг келажагига, тақдирига бефарқ қарай олмайди.

Суҳбатдошимизнинг гапида жон бор. Она-Ватаннинг тарихи, бугуни ва келажагига бефарқ қараб бўлмайди. Айниқса, бугунгидек глобал жараёнда ватанпарварлик ҳисси билан яшаш миллий ўзликни унутмасликнинг бош талабидир. Партия ишини жонлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун фидойилик билан ишлаш керак. Ташаббускорлик, режа асосида иш юритиш, режаларнинг қоғозда қолиб кетмаслигига эришиш учун эса жонкуярлик деган фазилат зарур. Бундай эзгу туйғуларни қалбига жо этиб, ҳаётий шиорига айлантириб яшаётган, ишлаётган ўқитувчининг дилида ёш шогирдларига гаплари, ниятлари жуда кўп. Буни унинг матбуотдаги чиқишларидан ҳам билса бўлади. Аудиторияда айтишга улгурмаганларини, таклиф ва мулоҳазаларини қоғозга тушириб таҳририятга жўнатишга эринмайди, бундай фойдали ишга доим вақт топади у.

Кейинги йилларда вилоят кенгашининг ташаббуси билан ўтказилган тадбирларни чўтга солсак, унинг таклифи билан анчагина ишлар қилинганини сезиш қийин эмас. Турли хил кўрик-танловлар, мусобақалар, семинар-тренингларнинг ўтказилиши, айниқса, бошланғич ташкилотларни ташкил этишга асосий вазифа деб қаралгани боис туман кенгашлари ишида ҳам илгарилаш сезилмоқда. Партия етакчиларининг тажрибасини ошириш мақсадида партия ўқувлари ташкил қилинаётир. Шу боис бўлса керак, ҳеч бир тадбир бесамар ўтмайди.

Фурқат Тошбоевнинг кундалик режасида китоб мутолаасига ҳам алоҳида вақт ажратилган. Ўрганганларини эса ёшларга, ўрни келганда ҳамкасбларига, бошқаларга ҳам айтиб, уларнинг фикрлари билан ҳам танишишга одатланиб қолган. Бу ҳақда у шундай дейди:

— Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтида устоз олимларнинг сабоғини олиб қайтганимдан кейин бу соҳага бўлган қизиқишим янада ортди. Мамлакатимиз ҳудудида тарихий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган жойлар кўп. Археология фани эса очилмаган қўриқ ерга ўхшайди. Унинг сир-синоатларини англаш учун ўқиш, изланиш, ўрганиш талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, касбимни, ўз ишимни яхши кўраман. Юртимиз равнақи учун фидойиларча ишлаётган ҳамкасбларимга ҳавас қиламан, уларга ўхшашга интиламан доим.

Гули ОЛИМОВА.

Етакчилар — фахримиз

Бошланғич ташкилотлар — қанотимиз

Партия ташкилотлари иши самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Қачонки, унда ташаббускорлик, ҳаракатчанлик сезилса, қуйи бўғинлардаги иш янада жадаллашади. Бу эса туман, ўз навбатида вилоят кенгашлари фаолиятининг ҳам маромида кечишини таъминлайди. Биз бу ишга эътибор қаратгач, бир неча туман кенгашларида бошланғич ташкилотлар билан ишлаш яхшиланди, янги аъзолар ҳисобига сафимиз янада кенгайиб боряпти.

Тахтакўпир туман кенгаши фаоллари ташаббуси билан тузилган "Ватанпарвар" ташкилоти қошидаги партиядошлар маркази ҳам ибратли ишларни олиб бормоқда. Излаган имкон топади, дейдилар. Бу гап айнан шу ташкилот раҳбари Бибисанам Авезова ва унинг сафдошлари учун айтилгандек, назаримда.

— Зиёлилар партияси ташкил топгандан буён орадан ўтган давр тарих учун бир сониядек гап, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бироқ бир инсон умри билан таққослаганда бу муддат анча салмоқли ўринга эга. Шу жиҳатдан қарасак, ўтган давр мобайнида сафдошларимиз анчагина хайрли ишларни амалга оширишди. Бошланғич ташкилотимиз тузилгани ҳам бунинг исботидир. Ҳар бир йиғилишда сафимизга уч-тўрт киши келиб қўшиляпти.

Б. Авезованинг бошланғич ташкилотга раҳбарлик қилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ташаббускорлиги, изланувчанлиги билан ишончимизни қозонди. Ўзига ўхшаган фидойи кишиларни атрофига тўплаб, режали иш юритаётир. Унинг тажрибасини оммалаштириш ниятидамиз.

Фидойи одамлар бор экан, партия бошланғич ташкилотлари чин маънода қанотимизга айланади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг қай тарзда ишлаши бизнинг фаолиятимиз натижасини белгилаб беради.

З. ЕСЕНБАЕВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси.

Туман кенгашларида

САФЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

ЎзМТДП Деҳқонобод туман кенгаши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояларини ёшларимиз қалбига сингдириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Айни пайтда келгуси йилдан кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун зиммамизга катта масъулият юклади. Жойларда ташкил этилаётган учрашувлар ва мулоқотларда анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш ҳақида сўз бормоқда.

Энг қувонарлиси, партиямиз сафига қўшилиш учун ариза бераётганлар сони кўпайиб бормоқда. Қисқа муддат ичида ёшларимиздан 37 таси бизнинг сафимизга қабул қилингани бунинг исботидир. Бугунги кунда корхона ва ташкилотларда ўндан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг сони ортиши ҳисобига 360 нафарга яқин киши партиямизнинг янги аъзолари бўлишди.

Ёшлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда "Ёшлар қаноти" вакилларининг ташаббускорлиги кўл келмоқда. Уларнинг ёрдами билан "Аэродром", "Қизилча", "Бешбулоқ" каби маҳаллаларда "Огоҳлик — давр талаби", "Миллий-маънавий қадриятлар" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

"Аёллар қаноти" иши ҳам кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Унинг етакчилари туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тузилган иш режаси асосида фаолият олиб боришмоқда. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Сафларимиз фидойи, жонкуяр аъзолар ҳисобига кенгайиб бораётгани зиёлилар партияси ташкил этилгандан ҳозиргача ўтган давр мобайнида олиб борилган самарали ишларнинг натижаси деб ўйлайман.

Жўра ХУДОЙНАЗАРОВ,
ЎзМТДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси.

ИСТЕЪДОДЛИ САФДОШИМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Зомин тумани кенгаши раиси Саттор Қорабоев фидойи инсонлардан. У 1979 йил Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган.

Кўп йиллар "Жиззах ҳақиқати" газетасида мухбир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимида масъул котиб, "Тарихий ёдгорликларни асраш маркази" раҳбари каби лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Саттор Қорабоевни республикамиздаги қалам соҳиблари яхши билишади. Адибнинг "Қалдирғочлар", "Тоғ садолари", "Кудуқчада жавзо", "Бу кўҳна Зомин", "Човкартовдан тушган одамлар" каби ўнлаб китоблари ва турли мавзулардаги мақолалари нашр этилган.

Айтиш жоизки, Саттор Қорабоев 2000 йилдан буён "Миллий тикланиш" демократик партияси Зомин туман кенгашини бошқариб келмоқда. Туманда партия фаолиятининг йўлга қўйилиши ва аъзолар сонининг кўпайиб боришида унинг хизматлари катта. Чунончи, туман партия кенгаши ташаббуси билан бир неча тарихий ёдгорликларнинг атрофи ободонлаштирилди, турли хил спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кирди.

Дилшод НАЗАРОВ.

Қарор ва ижро

ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хоразм вилоят минтақавий филиалини мижозлар шундай дейишади

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалиги тизимида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрган чоғида Урганч шаҳрининг бош майдонидаги ишларни кўриб, бу жойни яшил майдонга айлантириш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берган эди. Айни кунларда майдон ўзига хос кўринишга эга бўлмоқда. Айниқса, яшил гўшанинг шундоққина ёнида барпо этилаётган "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг вилоят минтақавий филиали биноси теварак-атрофга алоҳида кўрк бағишлайди. Янги иншоотнинг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётганлиги бунга замин яратади. Воҳанинг энг гўзал ҳудудига айлантирилаётган марказий майдон билан банк биносида ўзаро уйғунлик ва узвийлик мужассам.

— Воҳанинг шундай файзли масканида ўз биномизга эга бўлишимиз биз учун катта имконият, айни пайтда қулай шароит ҳамдир, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси Баҳром Ражабов. — Давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракатлари билан жаннатмакон юртимиз кун сайин гуллаб-яшнамоқда. Хоразмга сафарлари чоғида вилоятимизнинг истиқболи билан боғлиқ масалаларга асосий эътиборни қаратганликларидан қувондик. Ҳар доимгидек бу гал ҳам қатор соҳаларни ривожлантириш омиллари белгилаб берилди. Бу устувор вазифалар бизга ҳам катта масъулият юклайди. Ахир, бугун банклар олдига юксак талаблар қўйилмоқда. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори фаолиятимизнинг асосий дастуриламалига айланмоқда. Бундай шароитда молиявий муассасалар хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаб, мижозлар ишончини қозониш учун астойдил ҳаракат қилмоғи керак. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек "Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш, уларни ишончли ҳамкор деб қарашига эришиш учун мунтазам равишда иш олиб бориш даркор".

Минтақавий филиал олдида турган бундай долзарб вазифаларни ҳал қилиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Эришилаётган натижалар замирида жамоанинг катта меҳнати, қизғин саъй-ҳаракати мужассам. Жумладан, пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишларни амалга ошираётганлигини алоҳида эътироф этмоқ керак.

Ҳозир банк жамоаси 1366 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилда уларнинг 75 тага кўпайганлигини назарда тутадиган бўлсак, янги мижозларнинг қизиқиши молиявий муассасага нисбатан бежиз ортмаётганлиги аён бўлади. Айниқса, хизмат кўрсатаётган ташкилотлар орасида "Урганчтрансгаз" шўъба корхонаси, "Жанубқурилишгаз", "Хоразмсувқурилиш", "Туямўйинсувқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятлари каби йирик меҳнат жамоаларининг борлиги мижозларнинг банкка бўлган ишончлари ортишига йўл очмоқда.

— Биз "Ўзсаноатқурилишбанк"ни ўзимизга энг ишончли ҳамкор деб биламиз ва унинг хизматидан ҳамиша фойдаланамиз, — дейди "Урганчшароб" акциядорлик жамияти раиси Сапарбой Муродов. — Айниқса, тезкор ва қулай хизматлар бизга доимо қўл келади. Пул ўтказиш дейсизми, ўзаро ҳисоб-китобларми, қўйингки, банк билан боғлиқ ҳамма ишларни мутахассислар ҳеч бир муаммосиз бир зумда ҳал қилиб беришади. Салкам 200 кишилик жамоамиз учун бу айни муддаодир. Банк бизнинг қанотимизга, таянчимизга айланган.

Минтақавий филиалда нақд пул тушумига эга бўлган 339 та корхона ва ташкилот бор. Уларга банкнинг Урганч ва Хива филиаллари хизмат кўрсатади. Ҳар бир ташкилот билан инкасация шартномалари тузилган. Нақд пул тушумининг тўлиқ топширилиши доимо қатъий назорат қилиб борилади. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида корхона ва ташкилотларнинг топширган жами нақд пул тушуми 11906769 минг сўмни ташкил этди. Улар асосан савдо, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, чет эл валютаси сотиш ва бошқа манбалардан тушган. Бу тушумларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча миллион сўмга ўсганлиги албатта, жамоанинг ютуғидир. Яна бир гап: молиявий муассасанинг аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиб олишда қўшимча қулайликларни яратаётганлиги кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Жойларда янги очилган 6 та махсус касса бу борада қизғин фаолият кўрсатаяпти.

Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган ойлари давомида банк томонидан нафақа тўловлари ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган жорий тўловларнинг ўз вақтида тўланишига эришилди. Хўжалик ҳисобидаги бошқа ташкилотларнинг иш ҳақи тўловлари ҳам уларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлари доирасида амалга ошириб келинмоқда. Депозит ҳисоб варақларидаги нақд пул тўловларининг узлуксиз таъминланишини назорат қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг кассаларига, банк биносига, жамғарма кассаларига ва мини банкларга "ишонч телефонлари" рақамлари ёзиб қўйилди. Табиийки, бу қулай восита мижоз билан банкнинг ўзаро ишончини мустаҳкамлайди, хизмат сифатини оширади, айрим муаммоларни ҳал қилади.





Минтақавий филиал ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Нақд пул муомаласини тартибга солишнинг бу муҳим омили аслида кўпчилик мижозлар учун қулай ва фойдалидир.

— Пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини шакллантиришга шароит яратади, — дейди минтақавий филиал бошқарувчиси Баҳром Ражабов. — Шу билан бирга нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиради. Шу боисдан ҳам янги тизимни жорий этишга катта аҳамият беряпмиз. Уни кенг оммалаштириш учун зарур чораларни кўряпмиз. Жойларга 83 та терминал ўрнатилган. Бу замонавий воситалар билан аҳоли зич жойлашган ҳудудлар, савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш тармоқлари, аэрокасса ва бошқа гавжум шахобчалар қамраб олинган. Бундан ташқари, Урганч ва Хива филиалларидаги банкоматлар мижозларимизнинг узлуксиз равишда нақд пул билан таъминланишларига шароит яратмоқда. Биринчи чоракда банк томонидан 33 минг 652 та пластик карточка муомалага чиқарилди. 216546 минг сўм нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилди. Шунинг 7719 минг сўми савдо шахобчаларига ўрнатилган терминалларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Молиявий муассасадаги "Офарин", "Сармоя", "Саломатлик","Ажойиб","Танлов" ва бошқа омонат турлари аҳолига ўзининг қулай ва манфаатли жиҳатлари билан маъқул бўлмоқда. Фуқароларнинг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилишнинг бу самарали усули тобора оммалашиб бораётир. 18300 омонатчи ўз омонатини ҳозир банкда сақламоқда. Омонат қолдиғининг умумий миқдори эса 13705,8 миллион сўмни ташкил этмоқда.

— Халқаро пул ўтказиш тизимидан бугун кўпчилик мижозларимизнинг кенг фойдаланаётганлиги қувончлидир, — дейди минтақавий филиал бошқарувчисининг ўринбосари Жалолиддин Ваисов. — Ахир, дунёнинг исталган жойига саноқли дақиқалар ичида пул ўтказиб, қабул қилиб олишни ким хуш кўрмайди дейсиз. Шу боисдан ҳам бундай ишончли ва қулай хизматларга эҳтиёж ортиб бормоқда. "CONTACT", "MIGOM", "INTEREXPRESS" халқаро пул ўтказиш тизимларининг кафолатли хизматлари мижозларимизни мамнун этмоқда. Шунингдек, бундай хизмат турлари орқали банкнинг даромади ҳам ортиб бораяпти. Масалан, йилнинг дастлабки чорагида ушбу йўналишдан 69968 минг сўм даромад олинганлигининг ўзиёқ унинг ҳаётимизга чуқур кириб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Молиявий муассаса иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни ўзининг устувор вазифасига айлантирган. Кредит маблағларининг асосий қисми шу соҳага жалб этилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлашга доир қарорларидан келиб чиқиб, бу соҳаларга имтиёзли кредитлар ажратаяпмиз, — дейди минтақавий филиалнинг кредит бўлими бошлиғи Мансур Жуманиёзов. — Ўтган даврда тадбиркорлик билан шуғулланувчи 906 нафар мижозга ҳисоб рақами очдик. Уларга жами 4449,7 миллион сўм маблағ ажратилди. Савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва маиший хизмат соҳаларида янги иш ўринларини яратиш, тармоқни ривожлантиришга қаратилган бу маблағлар катта самара бермоқда.

Бундан ташқари, банкимизнинг махсус имтиёзли кредитлаш фонди ҳам мавжуд. У орқали икки мижозга 89 миллион сўм кредит берилди. Уларнинг бири — "Иймон-эътиқод" ишлаб чиқариш савдо фирмаси полиэтилен пакетлари ишлаб чиқарувчи дастгоҳ билан хомашё сотиб олди. "Абдулазиз эшон" фермер хўжалиги эса "РСМ — 101" комбайнини харид қилди. Шундай қилиб, фонд маблағи билан янги ташкил этилган корхона, ташкилот ёки фирмаларнинг бошланғич сармоялари шакллантирилмоқда. Урганч шаҳрида фаолият кўрсатаётган якка тадбиркор Рўза Бобожонова кўпдан буён нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни орзу қиларди. Аммо етарли сармояси йўқлигидан бу ниятини амалга оширолмасди. Шу мақсад учун 2 миллион сўм микрокредит сўраб, банкка қилган мурожаати зое кетмади. Мутахассислар тадбиркорнинг ҳужжатларини обдон ўрганиб, талабини қаноатлантиришди. Ҳозир якка тадбиркор савдо шахобчаларига сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Шунингдек, Урганч туманидаги "Қаландар Сапаев" фермер хўжалиги банкдан кредит олиб, ишларини юритиб юборди, Хонқа туманидаги ўз "Мадир кимё" унитар корхонаси хизматларини изга солди. Бугун улар ўзларининг яқин таянчи, суянчи ва ҳамкорига айланган банкнинг мутасаддиларидан миннатдор бўлишмоқда. Ўз истиқболларини ушбу муассаса билан боғлашяпти. Зеро, бу жамоа хизматчиларига чексиз мамнуният бағишлайди. Ўз меҳнатларининг самарасидан роҳатланишади. Мижозлар раҳмати улар учун катта рағбатга айланади.

Бир сўз билан айтганда, молиявий муассаса ўз ишини юқори даражага кўтаришни кўзламоқда. Интилганга эса ҳамиша толе ёр бўлаверади. "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хоразм вилоят минтақавий филиали мавқеи ортиб, мижозлари янада кўпаяди. Эришилган ютуқлар, қилинган ишлар шундан далолат бериб турибди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.
Суратларда: банк фаолиятидан лавҳалар. Ⓡ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ

Партиямизнинг барча аъзоларини ва хайрихоҳларини "Миллий тикланиш"нинг 12 йиллиги билан чин кўнгилдан

муборакбод этади.

Кўппартиявийлик шароитида "Миллий тикланиш"нинг обрў-эътиборини ошириш ва нуфузини кучайтиришда сафдошларимизга ҳамиша омад ёр бўлсин! Жамиятни янада демократлаштириш шароитида сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалар бугун ҳаммамизга юксак масъулият юкламоқда.

"Миллий тикланиш" ҳамиша ҳаётнинг олдинги сафида бўлсин!
Сунмас ғоялари изчил амалга ошаверсин!

БУХОРО ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 12 йиллиги билан барча партия аъзоларини, партиямизнинг хайрихоҳларини ва тарафдорларини самимий қутлайди.

Халқимизнинг миллий ва маънавий бирлигини мустаҳкамлашга чорловчи ҳамда ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритаётган сиёсий куч — ЎзМТДП сафларида бўлиш ва партия ғоялари учун курашиш ҳар биримизга мамнунлик бағишлайди.

Биз партиямизнинг келажагига ишонамиз. Унинг янги аъзолар ҳисобига кенгайиши ва сафларининг мустаҳкам бўлиши учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

«Миллий тикланиш» умри боқий партиядир. Унинг мақсад ва маслакларини амалга оширишга доимо камарбастамиз. Ўз фаолиятимиз билан ҳамиша партиянинг олдинги сафларида бўламиз, деб ишонч билдирамиз.

Истиқлол берган имкон

РЕЖАЛАРИ БИСЁР ФЕРМЕР

Фермер хўжаликлари ташкил этилиб, ер ўз эгасини топгани боис, натижа кўзланганидек салмоқли бўлаётир. Шу ўринда Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги "Фам" фермер хўжалиги фаолиятини ёритишни лозим топдик.



— Ўтган йили 55 гектар ердан 326 тонна "оқ олтин", 30 гектар ғаллазордан 37 центнердан ҳосил олдик. Йилни 61 миллион сўм соф фойда билан якунладик, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи Амир Файзиев биз билан суҳбатда.

Ҳозир фермер хўжалигининг 20 нафар аъзоси бор. Уларнинг ҳаммаси ўз меҳнати самарасидан мамнун. Сабаби, кўрсаткичлар кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Ишчиларнинг ойлик маоши ҳам шунга яраша бўлаётир.

Жамоа иши билан танишган кунимиз даромад манбаи бўлган фермада ҳам бўлдик. 1992 йилда ташкил қилинган "Фам" фермер хўжалигининг фермасида бугунга келиб 250 бошдан ортиқ зотли қорамол бор. Бундан ташқари, 15 бош от, 10 бош туя боқилмоқда. Кунига 400-500 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга цехда пишлоқ, бринза каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Ферма яқинда наслчиликка ихтисослаштирилди. Хориждан зарур асбоб-ускуналар келтирилди. Жорий йилдан кутилаётган натижа ҳам ўтган йилгидан кам эмас. Бу йил 10 гектар майдонда ғалла, 60 гектар ерда пахта етиштирилаётир. Тўрт гектар ерга озуқа учун маккажўхори экилди. Уч гектарли янги барпо этилган боғда эса мевали дарахтлар ўстириляпти.

Фермернинг режалари бир олам. Келгусида мевани қайта ишлаш цехи очиш ниятида. Шунингдек, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб келмоқда.

Амир аканинг асли касби ўқитувчи. 10 нафар фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшган бу инсон одамларга кўпроқ ёрдами тегишини хоҳлайди. Фарзандларидан уч нафари отасига кўмакдош бўлиб, ҳозир хўжаликни юритишда бор билим, малакасини ишга солмоқда.

— Дала ишини техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди фермер. — 4 та "Т-4", 2 та "МТЗ" тракторлари бизнинг қанотимиз. Еримизга ишлов бериш, уруғ қадашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача улар хизматидан фойдаланамиз. 24 миллион сўмга лизинг асосида трактор олиб тўғри қилган эканмиз, ҳозир ишимиз ёмон бўлаётгани йўқ.

Фермер даласидан қайтар эканмиз, унинг келгусидаги режалари амалга ошишига тилакдош бўлдик. Зеро, ишнинг кўзини ҳалол меҳнатда, ҳақиқий бахтни, ҳаёт завқини савобли амаллар қилишда, яхшиликда деб билган инсонгина муваффақиятга эришаверади.

Эминжон ЮЛДОШЕВ. Ⓡ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН КОЛЛЕЖ

Бугун Қарши банк коллежи янги ўқув йили учун абитуриентларни ўз бағрига чорламоқда. 995 нафар талаба таҳсил олаётган ўқув юртида ёшларга банк иши, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ ва солиққа тортиш йўналишлари бўйича сабоқ берилади. Ўқув-тарбия жараёнлари билан танишиш истагида бу ерга ташриф буюриб, талабалар ва уларнинг устозлари билан суҳбатлашдик.

— Коллеж фаолият кўрсатаётганлигига энди уч йил тўлди. Лекин шунга қарамасдан ўқиш истагини билдираётган ёшлар жуда кўп, — дейди ўқув муассасаси раҳбари Хушмурод Шодмонов. — Биз уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Аввало, талабаларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Шунингдек, аъло баҳоларга ўқиётган, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлган 70 нафар талабага Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан 10 минг сўмдан стипендия жорий қилинди. Ўқитувчи-ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Иш услуби, ўзига хос тажрибаси билан бошқалардан ажралиб турган фидойи мураббийлар доимо рағбатлантирилиб борилади.

Ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш мақсадида 23 турдаги фан ва спорт тўгараклари ташкил қилинган. Уларга барча босқич ўқувчилари қизиқишларига қараб аъзо бўлиб, дарсдан ташқари вақтларини кўнгилдагидек ўтказишаётир. Тўгарак раҳбарлари ўзларининг бор билим ва тажрибаларини қўллаб, талабаларнинг келажакда ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича билим ва малакаларини оширишларига мустаҳкам замин яратмоқда. Фан тўгарагларининг фаол аъзолари бўлган 28 нафар талаба 14 та фан бўйича ўтказилган республика фан олимпиадаларининг 2-босқичида муваффақиятли иштирок этишди. География фанидан 1-курс талабаси Садоқат Искандарова 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида қатнашди. Қарши шаҳар халқ таълими бўлимининг қарорига мувофиқ барча фанлар бўйича умумий натижаларга кўра Қарши банк коллежига 2-ўрин берилди.

Ахборот-ресурс маркази билан танишиш давомида бу ердаги ёшларга ҳавасимиз келди. Кенг ва ёруғ кутубхона талабалар билан гавжум. Коллеж кутубхонаси ахборот-ресурс марказига айлантирилгач, ресурслар базаси 3 та йўналиш бўйича бойитилмоқда. Анъанавий адабиётлар бўлимида умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича зарур дарсликлар, шунингдек, бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар сақланади. Электрон ресурслар бўлимида "Коммуникацион технологиялар" бўлими ташкил этилган, бу ерда замонавий компьютер хонаси, факс мавжуд. Барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. 42 номдаги электрон дарсликлар, 1000 дан ортиқ маъруза матнларининг электрон вариантлари жамланган бой электрон кутубхона тармоғидан ҳам талабалар ва уларнинг устозлари унумли фойдаланишаётир.

— Иқтидорли ёшларимиз жуда кўп, — дейди директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Улуғбек Дониёров. — Уларнинг ютуқларини кўриб фахрланамиз, ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ишимизга бўлган меҳримиз янада ошади. Талабаларнинг билимларини синовдан ўтказиш мақсадида "Заковат" клубини ташкил этганмиз. 3-курс талабаси Юлдуз Теминова Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар ўртасида шаҳар босқичида ҳамда "Келажак овози" танловининг Ахир, халқимиз соғлом танда соғ ақл, деб бежиз айтмаган. Коллежда таҳсил олаётган талаба ёшлар спорт турлари бўйича эришаётган ютуқлар ҳақида авваллари ҳам эшитгандик, шароитлар билан танишгач, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Жисмоний тарбия ишлари бўйича раҳбаримиз Раҳим Бўриев ҳам тажрибали спорт мураббийларидан, — дейди ҳамроҳим. — У ўтган йили пойтахтимизда фахрийлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган республика биринчилигида муваффақиятли иштирок этганди. Бу ерда шуғулланаётган ёшлар устоздан ўтаман дейди. Масалан, 3-курсда ўқиётган талаба Лазиз Қулмуродов каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллаган бўлса, Дилмурод Пўлатов "Шўртан" футбол жамоасида тўп суради. Лола Азимова эса теннис бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 1-ўрин соҳибаси бўлган. Лазиз Келдиёров спортнинг у-шу тури бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида 3-ўринни олиб қайтди.

Таълим даргоҳида вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган. "Вояга етмаганлар маркази" айнан шу йўналиш бўйича иш олиб боради. Ўқишни тамомлаган ёшларнинг ишга жойлашишларига ёрдам бериш, уларнинг амалиёт даврларини унумли ташкил қилиш, талабаларнинг жиноий гуруҳлар, турли хил норасмий оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларини таъминлаш мақсадида марказ билан ҳамкорликда педагоглар жамоасининг доимий кузатуви ва назорати ташкил қилинган.

Талабаларнинг ота-оналари билан ҳам вақти-вақти билан суҳбатлар уюштириш анъанага айланган. Тез-тез ўтказиб турилади-ган учрашувлар, очиқ мулоқотлар, "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Сиз қонунни биласизми?" каби танловлар, турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ҳам уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, дунёқарашлари кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўқув масканида яратилган шароитлар кўнгилдагидек. Айниқса, бинонинг ён-атрофи, коллеж ҳовлиси обод ва кўркам. Бундай тартибнинг ўзиёқ ўқув юрти жамоасининг аҳиллиги, орасталикка амал қилишини англатиб туради.

Эминжон ЮЛДОШЕВ,
"Миллий тикланиш"
мухбири. ®

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича "Дўстлик-донмаҳсулотлари" акционерлик жамиятида муайян ишлар қилинмоқда. 187 нафар меҳнатга лаёқатли кишилар бу ишга жалб қилинди.

Ҳозирги пайтда ўн нафар малакали мутахассис электр двигателларини сифатли таъмирлаб беряпти. 45 нафар ишчи қоп бичиш ва тикиш билан банд. 41



нафар одам корхона ишчилари учун коржома тикиш билан шуғулланмоқда. Яна 20 киши эса тегирмон элакларига рамка ясаш ва тўрларини ўрнатишда фидойилик кўрсатмоқда.

— Касаначилар 19 хил маҳсулот тайёрлашади, унинг 9 таси бевосита корхонамиз эҳтиёжи учун зарур, — дейди корхона бош иқтисодчиси Ўктам Номозбоев. — Энди улар меҳнатининг жамият учун иқтисодий самараси ҳақида тўхталсак. Ҳозиргача касаначилар томонидан 50 миллион сўмлик аниқ иш бажарилди. Акционерлик жамиятимиз биргина ягона ижтимоий тўловдан 2 миллион сўм иқтисод қилди.

Дўстлик тумани аҳолиси 51500 нафарни ташкил этиб, унинг 26066 таси хотин-қизлардан иборат. Бандлик дастурини амалга ошира бориб, хотин-қизларни ишга жалб этиш юзасидан қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, янги объектларнинг фойдаланишга туширилиши муносабати билан 16 нафар, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 55 нафар, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилиши билан 66 нафар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 110 нафар, жами 409 нафар хотин-қизга янги иш ўрни яратиб берилди.

Тумандаги қишлоқ ва маҳаллаларда касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилиб, микрокредитлар бериш йўлга қўйилди. Айни пайтда 252 нафар хотин-қиз касаначилик билан шуғулланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини бозорга чиқармоқда. Бу билан унутилиб бораётган миллий каштачилик, зардўзлик, чопон тикиш, қўл ҳунармандчилиги соҳалари қайта жонланмоқда.

Ҳа, касаначилик кони фойда. Уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан касаначиларга 400 та тикув машинаси бепул берилди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш"
мухбири.

Суратда:
касаначи-тикувчи
Саломат Маматова.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Партия ташкил этилганлигининг 12 йиллиги билан барча сафдошларимизни чин дилдан

МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Юрт равнақи,
Ватан тараққиёти йўлидаги ишларига омад тилайди.
Сафларимиз янада кенгайсин.
"Миллий тикланиш"нинг халқ орасидаги обрў-эътибори бундан ҳам ортсин.

Шу шукуҳли, саодатли кунларимизга асло кўз тегмасин.
Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ

Республикамиз фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштириб, миллий тикланиш ғоялари руҳида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бугун 12 ёшда. Шу муносабат билан партиямиз тевараги жипслашган барча сафдошларимизни

ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.

Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар зиммасига бугун юксак талаб ва катта масъулият юклатилган. Улар орасида "Миллий тикланиш" партиясининг ўз электорати ва хайрихоҳлари олдида юзи ҳамиша ёруғ бўлсин. Партиямиз мақсадларининг ўзагини ташкил этган миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси ва миллий тараққиёт ғоялари ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаверсин.

Тошкент — Ислом маданияти пойтахти

ЭЪТИРОФГА МОЛИК ВОҚЕА

2007 йил мустақил мамлакатимиз тарихи саҳифаларида қутлуғ саналардан бири сифатида қолади. Ислом конференцияси қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) томонидан республикамизнинг бош шаҳри — Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилиниши муҳим воқеалардан биридир. Унда ғоят юксак ва ўта фахрли мақом (унвон) Ўзбекистонда кейинги пайтларда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг эътирофини кўриш мумкин.

Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йилда араб мамлакатларидан бири Марокаш пойтахти Работ шаҳрида тузилган эди. Осиё ва Африка қитъаларидаги 57 мамлакатни ўз сафида бирлаштирган ушбу ташкилотнинг қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. 1996 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Айни пайтда Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби лавозимида туркиялик таниқли олим, профессор Акмалиддин Эҳсон ўғли фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилнинг декабрь ойидан эътиборан, у бу лавозимни эгаллаб турибди. Айтиш керакки, 1980 йилдан 2004 йилнинг охиригача, қарийб 25 йил давомида у Ислом конференцияси ташкилотига қарашли Истанбулда жойлашган Ислом тарихи, санъати ва маданияти илмий марказининг (IRCICA) Бош директори сифатида фаолият кўрсатган. Ўрта ва Кичик Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг ўтмиши, ислом тарихи ва маданиятига доир кўплаб китоб ва рисолаларнинг муаллифи сифатида илмий доираларда шуҳрат қозонган.

Профессор Акмалиддин Эҳсон ўғлининг соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар , хусусан, Мирзо Улуғбек салтанати даври тарихи ва маданиятига оид қатор мақолалари ҳам илм аҳлларига яхши маълум. У, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимиз олимлари ва илмий муассасалари билан самарали ҳамкорлик қила бошлади. 1996 йили соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги ва 1998 йилда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги юбилейлари муносабати билан мамлакатимизда ўтказилган тантаналарда иштирок этди. У халқаро илмий анжуманларда қизиқарли маърузалари билан ҳам қатнашди.

Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида ҳам айнан Акмалиддин Эҳсон ўғлининг хизматлари бор. У биринчилар қаторида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номларига юборган табригида: "Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди", — деб алоҳида таъкидлаган.

Ислом конференцияси ташкилоти ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи муассаса (АЙСЕСКО)нинг Бош котиби сифатида доктор Абдулазиз Усмон ат-Тувайжарий (у 1950 йилда Саудия Арабистонининг пойтахти Ар-Риёд шаҳрида туғилган) фаолият олиб боради. У ушбу лавозимда 1991 йилдан буён ишлаб келаяпти. Айни вақтда Ислом олами университетлари уюшмасининг Бош котиби ҳам ҳисобланади. Мазкур уюшма томонидан нашр этиладиган "Ал-Жомиъа" ("Университет") ҳамда "Islam Today" ("Бугунги Ислом") академик журналларининг ижрочи директори ҳамдир.

Муборак диннинг юртимизга қадами

Улуғ салафларимиз ислом динининг асл манбалари бўлган Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари билан танишиб, уларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича идрок этиб, чуқур англагандан кейин, нафақат ибодат аҳкомларини адо этиш, балки бу дин инсонни маънавий камолотга, ижтимоий тараққиётга ундайдиган буюк бир таълимот, беқиёс ҳаётий фалсафа эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Бу диннинг инсонпарварлик, бунёдкорлик ғоялари, унинг юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этганлиги ота-боболаримиз томонидан қабул қилиниб, уларнинг ҳақиқий эътиқодига замин яратди. Бизнинг юртда унга амал қилиш дастлабки пайтлардан бошлабоқ илмий-маърифий асосга таянган ҳолда олиб борилди.

Араб тилини мукаммал эгаллаш мақсадида қадимий шаҳарларимиз Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) ва Марғилон кабиларда мадрасалар, яъни ўз даврининг дорилфунунлари ташкил этилди. Эътиборли томони, бу ўқув даргоҳларида исломий илмлар — тафсир, тажвид, ҳадис, фиқҳ, калом, ақоид ва ҳоказолар билан бир қаторда дунёвий илмлар — тарих, жўғрофия, риёзиёт (математика), илм ан-нужум (астрономия), ҳандаса (геометрия), араб тили, мантиқ каби фанлар ҳам чуқур ўрганиларди.

Ўрта аср ёзма манбаларида мусулмон оламидаги дастлабки ўқув даргоҳлари — мадрасалар айнан бизнинг юртимизда ташкил этилганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эгамиз. Тарихчи аллома ал-Мутатаббиъ Мирзо Муҳаммад Боқир ал-Мавсавий ал-Хавансорий ал-Исфаҳонийнинг "Равзат ал-жаннат фий аҳвол ал-уламо вас-содат" ("Олиму уламолар ва саййидларнинг аҳволлари ҳақида жаннат бўстонлари") номли асарида ёки бухоролик машҳур олим Абу Хафс ал-Кабир ал-Бухорий (767-832) саъй-ҳаракатлари билан ташкил қилинган "Ҳафсия мадрасалари" ёинки яна бир бухоролик таниқли тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг (899-960) "Бухоро тарихи" номли араб тилида ёзилган қимматли асарида ҳам IX аср бошларида фаолият кўрсатган қатор мадрасалар ҳақида аниқ далиллар келтирилган.

Шу ўринда араб халифалигининг 500 йилдан ортиқ давр мобайнида пойтахти бўлган, ўрта аср илм-фани ва маданиятининг йирик марказларидан бири ҳисобланган Бағдод шаҳрида ташкил этилган мадрасаларнинг тарихи XI асрнинг охирларига тўғри келишини айтиб ўтиш жоиз. Бу ҳам бўлса, салжуқийларнинг донгдор раҳнамоси Султон Санжарнинг маърифатпарвар, зиёли вазири Низом ул-Мулкнинг саъй-ҳаракатлари



туфайли Бағдод ва халифаликнинг бошқа йирик шаҳарларида ташкил этилган. Улар бизнинг юртимиздаги мадрасалардан тахминан 160 йил кейин ташкил этилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, диёримизда ислом дини дастлабки даврлардан эътиборан илмий асосларга таянган ҳолда маърифий, мўътадил, ғоятда бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинадиган жамият ҳаётига тобора сингиб борган.

Ўзбекистон – буюк алломалар юрти

Юртимиздан ислом динининг амалий ва назарий жиҳатларини соғлом тафаккур ва теран ақл-идрок билан тўғри талқин қиладиган буюк алломалар — муфассирлар, муҳаддислар, фақиҳлар, мутакаллимлар етишиб чиқдики, уларнинг қимматли илмий-маънавий меросларини жумлаи жаҳонга яхши маълум.

Президентимизнинг изчил ва собитқадамлик билан олиб бораётган доно ва халқчил сиёсати туфайли диёримиздан чиққан кўплаб олимларнинг юбилейлари ўтказилиб, уларнинг ҳаёти ва асарлари ўрганилди ҳамда номларини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик мажмуалари барпо этилиб, қутлуғ зиёратгоҳларга айлантирилди. Ватандошимиз Имом ал-Бухорий (810-870)нинг бетакрор илмий салоҳияти ҳақида унинг замондошларидан бири, таниқли ҳадисшунос Иброҳим ибн ал-Қаллос: "Имом Бухорий билмаган ҳадис, бу ҳадис эмас!", — деб унга юксак баҳо берган. Яна: "Кимки имом Термизийнинг (824-892) "аш-Шамоил ан-Набавиййа" ("Пайғамбарнинг шаклу шамойиллари") номли китобини диққат билан мутолаа қилса, у киши бамисоли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни шахсан кўриб, у зоти шарифнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлгандек, ўзини сезади", — деган. Ёки Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) исломий илмлар ва маданиятидаги мислсиз хизматлари туфайли камдан-кам олимларга насиб этадиган буюк унвонга сазовор бўлган. Хоразмлик бу аллома араб тили грамматикаси ва бу тилнинг луғатшунослиги, балоғатига оид муҳим асарлари билан бутун Мағрибу Машриқда яхши маълум. Шу боисдан ҳам бир араб олими унинг ҳақида: "Агар хоразмлик шу чўлоқ ва кўса Маҳмуд Замахшарий бўлмаганда, араблар ўз тилини билмас эдилар", — деган.

Мустақиллигимиз шарофати билан луғат бойлигимизда "Ўзбекистон — буюк алломалар юрти" деган янги ибора пайдо бўлди.

Далиллар тилга кирганда

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши (1991 йил июнь); ҳар бир мўминмусулмон учун ниҳоятда муқаддас бўлган Рўза ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилиниши; ислом маданияти ва меъморчилигининг бетакрор намуналарини ўзида мужассам этган тарихий ва исломий осори атиқалар ва обидаларга бой Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон каби қадимий шаҳарларимизнинг бир неча минг йиллик юбилейларини халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда дунё миқёсида кенг кўламда нишонланиши, шу муносабат билан бу шаҳарларда ислом тарихи, маданияти ва санъатига оид мавжуд иншоотларни қайтадан таъмирлаш ёки тамоман бошқатдан қуриш каби ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши; исломий илмлар ва ислом фалсафаси ривожига ўзларининг ўлмас асарлари ва таълимотлари билан салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимиз (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва бошқалар)нинг таваллуд саналари нишонланиши, улар ҳаёти ва асарлари ҳақида тадқиқотлар, рисолалар нашр этилиши ҳамда бу буюк сиймолар мақбараларини батамом қайтадан қуриб, ислом меъморчилигини кенг кўламда қўллаган ҳолда бетакрор мажмуаларнинг барпо этилиши; қўлёзма ва тошбосма асарларнинг (уларнинг аксарияти араб ва форс тилларида) республикамизнинг йирик илмий-маънавий хазиналари (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи кутубхонасида етти-нчи асрда халифа Усмон буйруғига биноан ёзилган Усмон Қуръонининг асл нодир нусхасининг Тошкентда сақланиши, юртимиз маданият ва илму маърифат дурдоналарига нақадар бой ва уларни асраб-авайлаб ўрганиш ҳамда уларни келгуси авлодларга етказишга катта эътибор берилаётганлигига ёрқин мисолдир.

Юқорида мухтасар тарзда келтирилган маълумотлардан аён бўлаётирки, ўтган ўн беш йил давомида дин ва эътиқод масаласида, исломий илмлар ва маданияти равнақи йўлида Ўзбекистонда том маънода тарихий ишлар амалга оширилган. Лекин бу ҳақиқат кимларгадир ором бермаётганини ҳам ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоиз. Халқимизда "Мевали дарахтга тош отилади" деган ҳикмат бор. Мамлакатимизда дин ва эътиқод масаласида, исломий илмлар ва маданиятни чуқур ўрганиш ва тараққий қилдиришда мустақиллик йилларида асрларга тенг келадиган буюк ишлар амалга оширилганлигини кўра олмайдиган ва мустақил Ватанимизнинг дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборига путур етказишга интиладиган доиралар ва кучлар ҳамон ўз нопок ниятларидан қайтмаётирлар.

Президентимизнинг "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидаги: "Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади", — деган таъкидларида тўлиқ ва асосли жавоб берилган.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.

Давлат мукофотига номзодлар

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир, олим ва таржимон Муҳаммад Али ўзининг маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлари билан ўқувчилар ўртасида яхши таниш. Адибнинг асарларидаги ғояларда миллий истиқлол руҳияти, Ватанга фидойилик туйғуси гуркираб туради, бу ўзликни англаш, миллий тикланиш жараёнларида муҳим аҳамиятга эгадир.

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



Бу маънода биз таниқли шоирнинг шўролар давридаёқ жасорат билан тарихий мавзуларга қўл урганлигини, шеърлар, достонлар ("Машраб", "Гумбаздаги нур»", "Боқий дунё" шеърий романи, долзарб мавзулардаги эссе ва мақолалар) ва бошқа асарларини кўзда тутамиз. Уларга назар ташлаб, мустақиллигимиз йўлида холис хизмат қиладиган асарлар эканлигини англаб етиш қийин эмас. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ватанимиз тарихидаги хато талқинларга тўғри, одил жавобни адибнинг асарларидан топиш мумкин бўлди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кундаги тарихшуносликдаги айрим тушунмовчиликларга ҳам у кишининг асарларидан жавоб топа оламиз.

Муҳаммад Али соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ва темурийлар тарихини, уларнинг бадиий образларини мўътабар ёдгорликларимиз бўлган манбаларга таяниб яратган. Домланинг тарихий романларида нафақат Амир Темур ва темурийлар, балки XIV-XV асрдаги Марказий Осиёнинг ижтимоий ҳаётини ҳам жонли тасаввур этишимиз мумкин. Бундай муваффақиятли нодир асарлардан "Сарбадорлар" романини, кейинроқ, биз фикр юритаётганимиз "Улуғ салтанат" тарихий роман-дилогиясини ўқувчиларга тақдим этди.

Шуниси эътиборга сазоворки, муаллиф "Сарбадорлар" романида (асар 1984-1989 йилларда ёзилган) ҳали тарихчи мутахассислар соҳибқирон шахсияти ва сарбадорлар ҳақида қатъий ижобий фикр билдиришга иккиланаётган пайтларда бадиий адабиётда Амир Темурнинг она-юрти олдидаги хизматига юқори баҳо беради. Бундан ташқари, ҳозирги кундаги сарбадорларга турлича баҳо ("ватанпарвар халқ қаҳрамонлари", "бузғунчилар", "шуторлар", "авантюрачилар") бериб турилган бир даврда адиб муаррих олимлар Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" каби ва бошқа асарларга суяниб, масалага мантиқан тўғри ёндошади, қадриятларимизни адолатли баҳолашга интилади.

Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тарихий роман-дилогияси бадиий асар бўлиши билан бирга, ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган айрим долзарб, темуршуносликдаги муҳим, илмий ечимини топиши зарур бўлган муаммоларга ҳам жавоб беради. Жумладан, олим ўз асарида Амир Темурнинг ўзини "Турон султони" деб атагани ҳақидаги Улуғтоғдаги харсанг тошга ўйиб ёзилган (ҳозирги кунда бу битиктош Санкт-Петербургдаги "Эрмитаж" музейида сақланади) моддий ёдгорликни асос қилиб келтириб ўтади.



Муҳаммад Алининг тарихий роман-дилогиясини мутолаа қилар эканмиз, унинг ёзма манбалар таржималарини, темурийлар шажарасини, Ўзбекистон ва жаҳон тарихини, ўша даврга хос тарихий географияни, хронологияни қунту сабот билан ўрганганининг гувоҳи бўламиз.

Фикримизга далил сифатида адибнинг мўғуллар шажарасидан Ўрусхон, Тўйхўжа ўғлон, Тўхтамишхонларнинг қариндошлик муносабатлари, Кўк Ўрда, Оқ Ўрда, Олтин Ўрдага асос солинган саналар ва айрим ҳолларда асос солиниш сабаблари, Сарой Боту, Сарой Берка, Ҳожитархон (Астрахан)нинг жойлашган географик ўринлари, Олтин Ўрда хонлари шажараси, улар орасидаги сиёсий муносабатлар, Амир Темур отининг исми (Хонўғлон) каби жуда қизиқарли бўлган, таниқли тарихчилар билмайдиган тарихни жуда яхши жонлантириб берган. Ҳожитархон шаҳри билан Идил (Волга) дарёси "учрашганини" тасвирлар экан, шундай ёзади: "...Жануб ёққа қараган одам Идилдай азим дарёнинг майда-майда ирмоқларга айланиб Хазар томон шошаётганини кўрарди. Гўё минг-минг чақирим ерлардан елиб келган пуршиддат дарё (яъни Идил) ногаҳонда мустаҳкам Ҳожитархон қалъасига урилиб кетиб, парча-парча бўлгану шундай ҳолатга тушиб қолгандай..." ("Умаршайх Мирзо", 6-бет). Буни ўқиган ўқувчи кўз ўнгида яққол манзара пайдо бўлади.

Тарихий роман-дилогиянинг бадиий қийматига келсак, ҳар икки китоб ҳам шундай маҳорат билан ёзилганки, тили ширали, ўқувчини ўзига тортади. Адибнинг бир оддий мухлиси сифатида, асарни ўқир эканман, мозийга сафар қилдим, Амир Темурнинг саройидаги тарихий кечинмалар гувоҳи бўлиб, сарой аҳли билан бирга соҳибқиронни жанглардан қутиб олдим, жангларга кузатдим, яна маликалар билан бирга боғларда сайр айладим, соҳибқиронни ром қилган ҳаётий саҳналарида ҳам улар билан бирга хаёлан иштирок этдим...

Биз Амир Темурни давлат арбоби, моҳир саркарда сифатида биламиз. Аммо оддий инсонларга хос бўлган хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. Муҳаммад Али бизга соҳибқироннинг инсонларга хос фазилатларини муваффақиятли равишда гавдалантириб бера олдилар. Роман-дилогияда Темурнинг фавқулоддда ҳаяжонга тушиши, хавотирланиши, қилган хатоларидан изо тортиши, шодлигу қувончи, дўстга, далдага муҳтож бўлиши, Оллоҳдан умид узмаслиги, собитқадамлиги, руҳан юксаклиги, саховатпешалиги, адолатпарварлиги ва ҳоказо инсоний фазилатлари самимий, ишонарли тасвирланганки, бари жамланиб соҳибқироннинг ёрқин сиймосини кўз олдимизда намоён этади.

Фикримизнинг хулосасида, мен оддий мухлис сифатида, Муҳаммад Алига Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган, янада теранроқ мавзуларни қамраб олган асарларни интиқлик билан кутаётганимни билдиришни истайман.

Буюк соҳибқиронга эҳтиром рамзи сифатида ёзилган Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тарихий роман-дилогияси жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзод қилиб кўйилганлиги айни муддаодир. Ушбу тарихий асар даврни кенг қамраб олиши, маълумотларга бойлиги, энг муҳими, тарихимизнинг ёрқин юлдузи Амир Темур Кўрагоннинг порлоқ образини ўзида мужассам этганлиги сабабли ҳам юксак тақдирланишга арзийди, деб ҳисоблайман.

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ОЖИЗЛИК УЛАРГА БЕГОНА

Тириклик — бахт. Дунёни бор ранг-рўйи, гўзаллиги билан кўра олмоқлик яна бир саодат. Аммо ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ёруғлик аталмиш мўъжизанинг ҳаётбахш нуридан бебаҳра. Шундай бўлса-да, зулмат ичра яшаб ҳам қалбан, ҳам руҳан нурафшонликка интиладиган, ўз меҳнати, матонати билан жисмоний заифликни-да енгиб, ҳаётда ўз ўрнини топгувчилар улар орасида кўпчиликни ташкил этади.

Пойтахтимизнинг Қўйлиқ даҳасида жойлашган «Щётка» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишсангиз, шу ҳаётий ҳақиқатга амин бўласиз. Боиси, бу корхона бундан тўрт-беш йил аввал банкрот ҳолатига келиб қолган, ўзини ўнглаб олиш йўлида бирор ақлли тадбирни қўллашга ожиз эди. Энг ачинарлиси, бу ердаги ишчиларнинг қарийб 80 фоиздан зиёди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти аъзолари — ёруғ дунё саховатидан мосуво кишилар эди. Улар ўзлари меҳнат қилиб топган 23 миллион сўмлик иш ҳақини ҳам ололмасдилар. Корхонанинг эса атиги бир кун фаолият юритишга ҳам «мадори» етмасди. Шундай оғир дамларда давлатнинг ҳиммати жамоа жонига оро кирди. Икки йил муддатга 40 миллион сўм кредит олишгач, яна оёққа туришди. Жонкуяр раҳбар — кўзлари ожиз бўлсада, қалби, тафаккури ёруғ инсон Ҳусанбой Ғиёсов ўз тадбиркорлигини намоён этди. Ишни корхонанинг ўзида сотилмай қолиб кетган УПХА маҳсулотини қайта ишлаб, уни 35 миллион сўмга сотишдан бошлади. Қарабсизки, астасекин ишлар юришиб, одамлар меҳнатига яраша рағбатлантирилди. Ўша йил, яъни 2003 йилни корхона муваффақиятли якунлади. Олинган қарзни ҳам муддатидан аввал қайтаришга эришди.

Бугунга келиб, пахтани қайта ишлаш саноатида мазкур корхона етказиб бераётган щёткаларга эҳтиёж катта. Жамоа республикамиздаги барча пахта тозалаш заводларига шартнома асосида маҳсулот етказиб бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида бир пайтлар қолоқ корхона сифатида тилга олинган мазкур жамоа маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини 129 фоизга бажарди, яъни 100 миллион сўмлик даромадни кўзлаган иш режаси 170 миллион сўм маблағ келтирди. Шундан 71 миллион сўм фойда олинган бўлса, соф фойда салкам 30 миллион сўмни ташкил этади. Бу ютуқларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви жамият корхоналари ичида мазкур жамоа фаолиятини ижобий баҳолаб, катта миқдордаги маблағ билан мукофотлади.

— Сўнгги йилларда корхонамиз фаолияти янада кенгайди, — дейди Ҳ. Ғиёсов. — Эндиликда пахта саноатида асқотадиган щёткалардан ташқари унинг бошқа турдагиларини ҳам ишлаб чиқармоқдамиз. Бу йил 200 миллион сўмлик буюртма олганмиз, ундан келадиган фойданинг учдан икки қисми даромадимизни ташкил этади, деган умиддамиз. Бу ютуқларга эришишимизда, энг аввало, давлатимизнинг бизга бўлган эътибори ва кўмаги катта таянч бўлди. Корхонамизнинг бугунги фаровонлигига ҳисса қўшган иродали, сабр-тоқатли, ўз ишига масъулият билан ёндашувчи ишчи-хизматчиларнинг машаққатли меҳнатларини эса алоҳида таъкидлашни истардим. Улар ҳақиқатан ҳам, тенгсиз матонат соҳибидирлар.

Бугун корхонада барча ана шундай кўтаринки кайфиятда. Режалар бисёр, иш қизғин. Уларнинг яхши ниятлари, эзгу амаллари рўёби ҳар кимнинг-да қалбида ишонч уйғотади. Негаки, улар орасида ожиз кишининг ўзи йўқ!

Муборак ОХУНОВА.

Ислоҳот ва самара



ПИЛЛА – ИПАГИ ТИЛЛА

Пиллачилик етти хазинадан бири саналиб, ундан асосан енгил саноат моллари, яъни турли хилдаги газлама ва матолар ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда пилла етиштириш ва уни қайта ишлашга эътибор анча яхшиланиб бораётир. Буни юртимизда фаолият юритиб келаётган бир нечта қўшма корхоналар мисолида кўриш мумкин.

Бухоро вилоятининг чекка Қоракўл туманида ҳам ипак қурти боқиш учун пиллакорларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу йилги «кумуш тола» мавсуми улар учун омадли келди. 308 тонналик хирмон уюлиб, шартномавий режа муддатидан аввал уддаланди.

— Ушбу йилда жами 5600 та оила ипак қурти боқилиб, улкан хирмон яратилди. Абдулло Одинаев, Эркиной Маллаева, Ҳусан Раҳмонқулов сифатли хомашё етиштириб, уларни 100 фоиз юқори навларга топширишди. Мавсумда барча кеча-кундуз тинмай меҳнат қилди. Улардан пиллахона мудири Усмонназар Қорғёдиев, назоратчи Асқар Сулаймонов, ишчилар Хуршида Авазова, Баҳром Жабборов, Нозима Ҳамдамоваларнинг хизматлари катта. Режани бажарганларга ўз вақтида пул тарқатилди, — дейди "Қоракўлпилла" акциядорлик жамияти раиси Тўхтамурод Ҳасанов.

Ихтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Байрам шукуҳи

Кулгулари осмонни қопласин

Ўтган ҳафта мамлакатимизнинг барча ҳудудларида келажагимиз ворислари бўлмиш болажонларимизнинг байрами — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни илк бора 1950 йили нишонланган эди. БМТ бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ҳамда болалар ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқларини ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб белгилади. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, булар — ҳимоя ва эътиборга муҳтож ногирон, боқувчисини йўқотган болалар.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 57-ногирон болалар мактабида Ўзбекистон Миллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси томонидан байрам муносабати билан таянч имкониятларини йўқотган болалар учун тантаналар уюштирилди. Байрамда турли ижодий жамоаларнинг чиқишлари болаларда катта таассурот қолдирди. Улар тантаналарда нафақат томошабин, балки иштирокчи сифатида ҳам қатнашдилар.

* * *

"Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими кенгаши, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Болалар ижодиёт уйи ҳамкорлигида Ғафур Ғулом боғида кичкинтойлар учун байрам кечаси уюштирди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари тадбирга ташриф буюришди. Туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар ўртасида "Қувноқ эстафета" спорт мусобақаси, "Бахтли болалигим" мавзуида асфальтга расм чизиш ва "Ким эпчилу ким чаққон?" викторина ўйинлари ташкил этилди. Ғолиб бўлганлар Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирландилар. "Марварид", "Феруз", "Тантана" рақс гуруҳлари тенгдошларини мусиқий чиқишлари билан муборакбод этдилар.

Шу билан бирга "Янги эски шаҳар" лойиҳаси доирасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон кичкинтойлар учун ҳайвонот боғига сайр уюштирилди. А. Навоий номидаги санъат саройида "Ҳаёт ҳали олдинда" фильми ижодкорлари билан учрашув ташкил этилди. Мазкур фильм намойишидан сўнг, болажонлар учун викториналар ўтказилиб, ғолибларга совғалар улашилди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган сурат.

ОШ ТУЗИНИНГ ХИСЛАТИ

Назаримизда энг қийматсиз нарсалардан бири бўлган ош тузи нималарга қодирлигини биламизми?

Доғи кетмаётган алюмин идишга йирик туздан солиб, бир оз қиздирилса, тозалаш осон кечади.

* * *

Янги сирли идишда биринчи бор шўр сув қайнатилса, сири осонликча кўчмайди.

* * *

Бетон йўлаклар орасидан ёки деворлар ёнидан ўт ўсиб чиққан жойларга қайноқ шўр сув қуйилса, ўт бошқа ўсмайди.

* * *

Ойна, биллур идишлар шўр сувда ювилса ярақлаб туради.

* * *

Балиқ тозаланаётганда қўл тузлаб турилса, сирпаниб кетмайди.

* * *

Девор, шифт бўр билан оқланаётганда кейинчалик чангимаслиги ва суркалганда юқмаслиги учун елим (клей) қўшилади. Туз ҳам елимнинг вазифасини бажара олади.

Тузнинг хислатлари ҳақида яна кўп ёзиш мумкин. Уни керакли ўринда, керакли миқдорда ишлатган маъқул.

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида



Партиялар фаолият юрита бошлайди

Таиланд ҳукумати жорий йилнинг 5 июнидан мамлакатдаги сиёсий партияларнинг фаолият юритишига рухсат берди.

Эндиликда мамлакатдаги партиялар шу йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўришни бошлайдилар. Эслатиб ўтамиз, 2006 йил сентябрь ойида Таиландда ҳарбий йўл билан давлат тўнтариши амалга оширилганди ва бош вазир Таксин Чинават ҳукумат тепасидан олиб ташланганди. Шундан сўнг оммавий йиғинлар ўтказиш ҳамда партиялар фаолияти тақиқлаб қўйилганди.

Хорижликлар гаровда



Нигериянинг Икот-Абаси шаҳрида «Русал» алюмен компаниясининг олти нафар ходими гаровга олинган.

Манбада келтирилишича, гаровдагиларнинг уч нафари россиялик. Бироқ Россиянинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси берган маълумотга кўра, гаровдагиларнинг барчаси россияликлардир. Ҳозирда тахмин қилинишича, номаълум жиноий шахслар пул ишлаш мақсадида шундай йўл тутишаётган бўлиши мумкин. Айни пайтда гаровдагиларни озод қилиш бўйича тезкор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, гаровдаги хорижликлар ҳозир қаерда ушлаб турилгани номаълум. Сўнгги хабарлар оқимига қараганда, мамлакат президенти россияликларни озод қилиш бўйича шахсан ўзи шуғулланмоқда.

19 йиллик комадан сўнг

Ян Гжебский 19 йиллик комадан сўнг яна ҳаётга қайтди. Польшалик темирйўлчи 1988 йилда ўз хизмат бурчини бажараётган пайтда бахтсиз ҳодисага учраб, ҳушини йўқотганди. Хотини Гертруда 19 йил давомида унинг олдидан жилмади. «Кома ҳолатига тушишимдан олдин мамлакатимиз иқтисодиёти анча қолоқ эди. Дўконларда ҳам озиқ-овқат тақчил бўларди. Ҳозир эса ҳаёт бутунлай ўзгариб кетибди. Кўчаларда ҳамманинг қўлида уяли алоқа телефони. Катта-катта маганзинлар қурилибди. Уларда маҳсулот ошиб-тошиб ётибди. Буни кўриб жуда ҳайратланиб кетдим», — дейди Ян. Бундан 19 йил олдин унинг тўрт нафар фарзанди ёшгина болалар эди. Ҳозир эса уларнинг барчаси оила қуришган. Турли касбларни эгаллаб, ишлаб юришибди.

Бош вазир уйи ёнида портлаш

Сомали пойтахти Могадишода амалга оширилган теракт оқибатида 7 киши олам-дан кўз юмди.

Бу ҳақда «Рейтер» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Портлатгич ускуна жойлаштирилган машина мамлакат бош вазири Али Муҳаммад Геди уйи яқинида ишга туширилган. Қурбон бўлганларнинг 5 нафари ҳарбий ва икки нафари тинч аҳоли вакилидир. Ушбу теракт бош вазирга нисбатан суиқасд сифатида қабул қилинмоқда. Сиёсатчи бундан жабр кўрмади.

Ҳозирча полиция қаттиқ қўриқланадаган бош вазирнинг уйига камикадзе автомобилни қандай олиб келганига ҳайрон қолмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Маърифий қарашлар

Дўст бўлиш осон...

Дўстлик ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикматлар бор. У ҳақда қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, қўшиқлар айтилган. Қандай кишини садоқатли дўст дейиш мумкин? Бундай саволга дабдурустдан жавоб топиш қийин, албатта.

Ҳар ким ҳам ҳақиқий дўст бўла олмайди. Дўстман деб барча сирни билиб олиб, душманнинг ишини қилиб кетиш мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Шу боис бўлса керак, садоқатли дўст топиш мушкул иш. Ҳар ким ҳам сенга дўст бўлавермайди. Кимдир молингга ошна, кимдир мансабингга, яна кимдир... бу жумбоқни ечиш қийин.

Ким билан дўстлашиш кераклиги ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

«Дўстликдан бирон манфаат кўзламайдиган ва беш хил хусусиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш лозим.

Биринчиси: дўст ақлли бўлиши керак, зеро, ақлсизлик яхшилик белгиси эмас. Донолар: "Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши", — деганлар. Иккинчиси: дўст хушфеъл бўлиши лозим. Чунки қаҳри қаттиқлар билан тил топишиш қийин. Учинчиси: дўст бадфеъл бўлмаслиги лозим. Тўртинчиси: у беғараз бўлиши даркор. Бешинчиси: дўст алдоқчи, риёкор, қаллоб бўлмаслиги керак. Чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди».

Халқимизда дўст бўлиш осон, лекин уни сақлаш қийин, деган гап бор.

Дўстман деб тил учида айтиши, аслида дилида бўлмаслиги мумкин. Унинг қалбида нима яшайди, билмайсан. Дўст оғир кунда синалади. Бошингга оғир бир мусибат тушганда, дўст киму душман ким, билинади.

Бу хусусда Абу Лайс ас-Самарқандий ўз ўғлига насиҳат қилиб айтадилар: «Эй нури жаҳоним, сенга айтадиган гапим умрингнинг безаги ва зийнати ҳақида бўлур. Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва рўёлар (бойликлар) ичинда доим қадр-қиммат қилишимиз лозим бўлган, эъзозлашимиз шарт бўлган олий фазилат дўстлик ва меҳр-оқибатдир.

...Синов саҳросида икки дўст адашиб қолишибди. Етти кеча-ю етти кундуз кўтарилган қуюн, қорёмғир уларни ҳолдан тойдирибди. Лекин иккиси ҳам сабр-тоқат билан азобларни енгибдилар. Бир неча чақирим йўл босганларидан кейин саратон иссиғига рўбарў келибдилар. Ташналик ҳолдан тойдирибди. Жалол исмли йигит дўстига шундай дебди:

— Эй Халил, чанқов танимни чаёндек чайнаётир. Сувингдан бир ҳўплам бер.

Халил унга жавобан:

— Босар йўлимиз мўл. Қаноат қил, — дея далда берди.

— Сабр-тоқатим, бардошим тугади...

— Яхши, сувдан берурман. Фақат шартим бор...

— Тезроқ айт... Ташналик ўртайди.

— Халифамиз ҳузурларига борғанингда...

— Нега ундай деяпсан?

— Бу азоб саҳросидан иккимизнинг омон чиқишимиз даргумон. Агар мен омон қолсам, сенга, халқингга асло хиёнат қилмасликка онт ичаман. Халифамиз иккимиз ўртамиздаги барча воқеадан огоҳ бўлсин. Оқибатимиз собитлигини шоҳимиз билсин. Токи араб туркни, турк арабни ўлдирибди, деган гап бўлмасин.

Улар қасамёд қилишибди. Халил охирги қултум сувини дўстига берибди. Икки навкар, икки дўст ҳарбий топшириқни бажариб, салтанатга жонлари омон етиб олибдилар. Юрт халифаси Жалолга зарҳал тўн, Халилга барқут тўн совға қилибди. Иккисининг номини хутбага қўшиб ўқишга фармон берибди...

Шундай, ўғлим! Дўст ёмон кунда синалади, нақ-лининг мағзи шунда. Илло, сен атрофингдаги дўстларингнинг ҳақиқий ёки сохта дўст эканлигини синашга асло шошма! Ҳаётнинг ўзи сенга масалани равшан қилади. Илло, бу ҳаракатинг билан асл дўстингнинг дилига озор етказиб қўйишинг мумкиндир».

Ҳа, азизлар! Ҳақиқий дўст ҳақида яна кўп ривоятлар, ҳикматлар, мисоллар келтириш мумкин. Лекин фақат бу мисоллар билангина дўстлик мавзусини ёритиб бўлмайди. Ҳаёт давомида ушбу мавзу ўз сирларини очиб бораверади. Ниятимиз — бу беш кунлик дунёда ҳақиқий дўстлар кўпайсин. Бир-бирига меҳр-оқибатли инсонлар кўп бўлсин.

Иззат АҲМЕДОВ.

Қатра

КЕКСАЛИК

Анчадан буён кўришмаган бир дўстимнинг уйига ҳол сўраб бордим.
Онаси мени қўярда-қўймай ичкарига таклиф қилди.

Дастурхонга ўтиришим билан мўйсафид чол ўғлидан шикоят қилишга тушди. Аслида, дўстим унчалик ёмон бола эмас. Уни сираям ота-онасини ранжитадиган фарзанд деб ўйламайсиз.

— Бўлди-да, чол, ҳадеб кимга бўлса ўғлингизни ёмонлайверасизми? — суҳбатга аралашди кампир. — Ўзи жуда инжиқ қаридингиз. Ундан кўра ёшларни дуо қилиб, жимгина ўтирсангиз бўлмайдими? Сизга ўзи битта гап кам, иккитаси кўп бўлиб қолган...

Уларнинг суҳбатини тинглаб ўтириб беихтиёр момом билан бобом ёдимга тушди. Бобом тинмай: «Илоҳим, қариганда Шамси энанинг сигирига ўхшаб қариш насиб қилсин», — деб дуо қилаверардилар. Ўшанда бу гапнинг маъносини тушунмагандим. Кейин билсам, Шамси энанинг сигири шундай ювош эканки, яйловда ўтлаб юрганида ҳам болалар уни соғиб ичиб қўяверишаркан.

Бобом раҳматли ўзи Худодан сўраганидек, жуда ювош қариган эдилар. Ҳа, ҳаммага ҳам аввало қарилик насиб этсин экан. Қариганда ҳам ҳамма беозор қарисин экан-да!

Муҳаммад СИДДИҚ.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

ЮРТИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТМОҚДА

Республикамиз истиқлолни қўлга киритгач, миллий почта маркаларини чиқаришга ҳам киришди. "Ўзбекистон маркаси" нашриёт маркази ташкил этилиши бу соҳани йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузурида 1992 йилнинг баҳорида иш бошлаган бу марказ эндиликда "Ўзбекистон маркаси" ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ўтган 15 йил мобайнида жамият кўплаб рангли маркаларни муомалага чиқарди. Унинг биринчи маҳсулоти эса ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси Нодирага бағишланади. Шеъриятда Моҳлароийим номи билан машҳур бўлган бу шоира таваллудининг 200 йилигига муносиб совға бўлган эди. Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллигига тортиқ сифатида почта маркаларига бағишланган биринчи каталог чоп этилди. 130 саҳифадан иборат бу нашрда 1992-1998 йилларда мамлакатимизда босма юзини кўрган 180 дан ортиқ маркалар фоторепродукцияси ўз аксини топди.

"Соҳибқирон Амир Темур" деб номланган почта тўплами эса улуғ жаҳонгир таваллудининг 660 йиллигига совға сифатида тақдим этилди. Машҳур астроном олим Мирзо Улуғбекка бағишланган туркум маркалар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Шундан сўнг Фитрат, Чўлпон, Бердақ, Беҳзод сингари йирик ижодкорлар ёдгорликлари тасвирланган маркалар ҳам муомалага чиқарилди.

Ўзбекистонда авиация ва автомобилсозлик саноати фаолиятини акс эттирувчи рангли марка ва почта тўпламлари ҳам жамиятнинг энг яхши ижодий маҳсулоти деб баҳоланди. Мамлакатимиз «Қизил китоб"ига кирган ноёб ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилувчи Орол денгизи муаммосига бағишланган почта маркалари ҳам кенг оммалашди.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада "Ўзбекистон маркаси" корхонасининг талайгина маҳсулоти, жумладан, кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари манзаралари акс этган рангли маркалар намойиш қилинди.

Ўзининг 15 йиллигини нишонлаётган жамият яна кўплаб чиройли маркаларни мухлисларга тақдим этиш мақсадида ижодий изланишлар олиб бормоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон почта маркалари каталогининг навбатдаги нашри босмага тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар. Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 3 4 5 6

Босишга топширилди 18.30

RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
№

2007 йил 13 июнь, чоршанба.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

24 (407)-сон Сотувда эркин нархда.

Анжуман

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ЖАМИЯТ

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкентда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман «Жамиятни янада демократлаштириш шароитида сиёсий партия олдида турган долзарб вазифалар» мавзусига бағишланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раислари, қуйи палата депутатлари, сиёсатшунос олимлар, таниқли санъат ва маданият намояндалари, партия фаоллари иштирок этди. Конференцияни партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов бошқарди.

Таъкидландики, кучли фуқаролик жамиятини сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади. Буни ривожланган давлатлар тажрибаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Юртимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойили устувор вазифа этиб белгиланган ҳам бежиз эмас.

Айни пайтда республикамиздаги бешта сиёсий партиянинг бири ҳисобланган «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз Устави ва Дастури асосида фаолият кўрсатиб, барча жараёнларда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, зиёлиларнинг илғор қисмини ўзида мужассамлаштирган партия сафлари кенгайиб бормоқда. Унинг хайрихоҳлари ҳам кўпайяпти. Бу албатта, партиянинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат беради. Жойлардаги партия кенгашлари, фаоллар ижтимоий-сиёсий масалада ўз нуқтаи назарини билдираётгани қувонарли ҳолдир, албатта.

Шунингдек, партиянинг мамлакат парламентининг қуйи палатасидаги фракцияси ҳам қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Депутатлар ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериб, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаолиятида ҳам бундай ижобий ҳолни кўриш мумкин.

Биз конференцияда иштирок этаётган айрим делегатларни суҳбатга тортдик.

— Кейинги пайтда ишларимиз жонланиб, омма орасига дадил кириб боряпмиз, — дейди партиянинг Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобожонов. — Шу боис одамларнинг бизга бўлган ишончи ортиб боряпти. Аҳоли турли масалаларда жойлардаги вакилларимизга мурожаат қиляпти. Энг асосийси, биз ҳокимликлар ва давлат идоралари билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ютуқларимиз омили ҳам шунда деб ўйлайман. Халқ билан бирга бўлиш, уларнинг фикрини эшитиш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов «Конституциявий қонунлар берган ваколат ва ҳудудий партия гуруҳларининг олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида» маъруза қилди.

Нотиқ Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва келгуси йилнинг 1 январидан кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун ҳам партиялар олдига масъулиятли вазифаларни қўйиши тўғрисида фикр юритди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштириш, глобаллашув даврида ўз ишини қайта кўриб чиқиш, ўз сафларига одамларни янада кўпроқ жалб этиш каби масалалар борки, улар долзарб ҳисобланади. Янги конституциявий қонун кучга кириши муносабати билан вазифалар кўпаяди, масъулият табиийки, ошади.

— Янги қонун олдимизга устувор вазифаларни қўяди, — дейди партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова. — Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур Қонун давр талаби бўлиб, ишимизни янги поғонага олиб чиқиши шубҳасиз. Биз асосий эътиборни бошланғич ташкилотларга қаратяпмиз. Боиси, ушбу бўғинлар ҳаётга яқин. Биз бундан қанчалик унумли фойдалансак, фаолиятимиз ривожини таъминлаган бўламиз.

Шунингдек, тадбирда партиялар давлат бюджети томонидан молиялаштирилаётганлиги, кўппартиявийлик шароитида қандай иш юритиш, партияларнинг Устав ва дастурларини кўриб чиқиш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш тўғрисида фикр юритилди. Хусусан, зиёлиларнинг сиёсий онгини ва маданиятини ошириш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Абдуллажон Бегматов «Миллий ғоя тарғиботида партия фаолларининг истиқболдаги вазифалари», сиёсатшунослик фанлари доктори Рустам Жумаев «Эркинлашаётган жамиятда сиёсий партиянинг ўрни, роли ва аҳамияти» тўғрисида маърузалар қилишди.

Конференция якунида анжуман иштирокчилари уч гуруҳга бўлиниб, партия фаолиятига оид бир қатор долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашдилар. Гуруҳларга ҳуқуқшунослик фанлари доктори Лола Саидова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиев, филология фанлари доктори Файзулла Мўминов раҳбарлик қилишди. Тўпланган таклиф ва тавсиялар асосида қарор қабул қилинди.

Ҳосил КАРИМОВ.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

АНОРА ОПАНИНГ КИСЛОРОД «ФАБРИКА»СИ

Гурландаги 5-умумтаълим мактаби ёнидан ўтаётган одамлар гоҳо соялари қуюқ, ям-яшил барглари оҳиста шитирлаб турган теракзордан кўз узолмай қолишади. Ҳатто бир-бирларига «мактаб директорининг кислород «фабрика»сини кўраяпсизми?» дегувчилар ҳам топилади. Аслида ҳам шундай.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова ўз иш фаолиятининг кўп қисмини ўсиб келаётган ёш авлод учун экологик шароитни яхшилашга ажратди десак янглишмаймиз. Хўш, нега? Опа бундай эзгу мақсадни қачон дилига тугди? Бунинг ўзига хос тарихи бор. Анора Маҳмудова анча йиллар илгари Қримдаги «Кисловодск» санаторийсига борганди. У ерларнинг табиати соф, беғубор. Айниқса, эрта тонгдаги ҳаволари кишига қаймоқдай ёқади. Тоғ этагида сутдек оқ денгиз, юқорида эса қалин дарахтзорлар солланиб ётади. Юз бир турдаги турфа гуллар очилиб, кўзларни қамаштирса, уларнинг анвойи ҳидидан кўнгил баҳра олади. Атроф шунчалар чиройли. Шунчалар мафтункор! Анора опа мана шу бемисл гўзалликка маҳлиё бўлган кезларда "агар юртга қайтсам, гул экаман, ҳавони тозаловчи дарахтлар ўтказаман, умрим борича табиатга зиён етказмасликка ҳаракат қиламан", дея ният қилганди. Қримдан қўшдек енгил бўлиб қайтди. Шундан сўнг саломатлиги ҳам яхшиланди.

Мана, йигирма йилдирки, Анора Маҳмудова ён-атрофни ободонлаштириш йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

— Айниқса, бизнинг шароитда экологияни яхшилашга ҳар бир киши ҳисса қўшиши керак, — дейди Анора опа — Чунки, Орол устидан кучли ҳаво оқимлари ўтиши оқибатида денгизнинг суви чекинган қирғоқларидан кўтарилаётган тонналаб чанг ва туз заррали узоқларга тарқалиб, одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларга зарар келтиряпти. Аянчлиси, бундан аёллар ва болалар кўпроқ азият чекишмоқда. Бу ҳолга индамасдан қараб туриш мумкинми ахир?

Дарҳақиқат, Орол бўйи ҳудудида экологик аҳвол анча жиддий. Демак, нимадир қилмоқ керак. Анора Маҳмудова иш фаолиятини бошлаган кезлардаёқ мактабнинг ён-атрофидаги жойларни текислаб, дарахтзор барпо этишни мўлжаллади. Агар дов-дарахт сероб бўлса, ҳар қандай маскан Кисловодскдан қолишмайди. Бир неча гектардаги ташландиқ жойларга ишлов берилди. Кучли бульдозерлар икки-уч ойда зўр бериб ишлади. Майдонларнинг шўри ювилди. Терак, бақатерак, шохтераклар экилди. Мутахассисларнинг фикрича бир гектар жойдаги терак 3440 кг чангни ўзига "ютиб", кислород барқарорлигини таъминлар экан.

Бугунги кунда Анора Маҳмудова раҳбарлик қилаётган мактаб ҳудудида йигирма минг туп дарахт ўсаётган теракзор қад ростлаган. Ҳар йили бақувват дарахтлар кесилиб, ёғочи мактабни таъмирлашга ишлатилади. Ўрнига янги кўчатлар экилади. Теракзор атрофида "Ёшлар хиёбони" барпо этилди. Хиёбонда юзлаб турдаги анвойи гуллар ўстирилади. Ўқувчиларга экология бўйича сабоқ берадиган махсус дарслар режага киритилди. Мактабда "экология" зали ташкил этилди. "Яшиллар ҳаракати" фаолияти кучайди.

Ям-яшил дарахтзор ва гулзорлар ўртасидаги эртаклардагидек чиройли мактаб биносида минг нафардан ошиқ ўқувчи таҳсил олмоқда. Мактабнинг ичкарисида ҳам "Гуллар галереяси" очилган. Ўқувчилар ўз қўллари билан ўстирган гуллар, ўсимликлар ва дарахтлар галереядан ўрин олган. Ҳар бир ўқувчи гул, ўсимлик, дарахт ва турли меваларнинг тарихини, парваришлаш қоидаларини, фойдалилик жиҳатларини аниқ ва пухта билади. Шу тарзда улар табиат қонуниятларини чуқур ўрганиб борадилар.

— "Бобурнома" асарида Андижоннинг хушманзара табиати, айниқса ширин қовунлари ҳақида сўз юритилган. Қадимда эса хитойликлар узум, ёнғоқ, анор, анжир сингари мевали дарахтларни Ўзбекистондан олиб кетиб, кўпайтирган эканлар. Ахир, жаннатдек юртда яшаётганимиз билан фахрланишимиз лозим. Миллатимиз тарихини билиш баробарида юртимизда ўсаётган ҳар бир ўт-ўлан, ҳар бир гул, ҳар битта дарахт ё мева хусусидаги маълумотга эга бўлишимиз шартлигини ўқувчиларга қайта-қайта тушунтираман, — дейди Анора Маҳмудова.

Халқимизда шундай ҳикоят бор. Қадимда бир киши донишманд ҳузурига келиб, иши ҳеч юришмаётганини айтибди ва маслаҳат сўрабди. "Агар ишинг юришмаётган бўлса, янада кўпроқ ҳаракат қил, бордию шундаям юришавермаса, ҳаракатни икки-уч ҳиссага оширгин, барибир ишинг олға силжимаса, сен учун биргина йўл қолади, у ҳам бўлса, тинимсиз ҳаракатда бўлишдир", — дебди донишманд унга. Ҳа, орамизда Анора Маҳмудова сингари катта мақсадларни кўзлаб яшаётганлар анчагина.

Опа талабалик чоғларидаги бир воқеани менга гапириб берадилар:

— Институтда ташкилотчи эдим, ёшлар билан иш юритардим. Бир куни ётоқхонадаги қизнинг пули йўқолибди, шу куниёқ миш-миш, шовшув авж олди. Бунга барҳам бериш учун уч-тўртта фаол студентлар билан ўша хонада яшовчи қизларни бирма-бир суҳбатга чақирдим, фойда бермади. Ахийри тинтув ўтказдим. Буни қарангки, шу хонадаги қизлардан бири пулни ўғирлаган экан. Кечирим сўраб, эгасига қайтариб берди. Мен қизни чақириб у билан холи гаплашдим. "Сен бўлғуси педагогсан, бу одатингни ташламасанг, болаларга қандай қилиб таълим-тарбия берасан, уларга ҳалол бўлинглар деб қай тил билан айтасан", — дедим. Қиз узоқ ўйланиб қолди.

Бир йил ўтиб-ўтмай, ўша қиз институтни ташлаб кетганини эшитдим. Сабабини билай деб, уни қидириб топдим. "Опа, мен яхши педагог бўлолмас эканман, қилган ишимдан ҳанузгача виждоним қийналади, энди бошқа касбда ўзимни кўрсатмоқчиман", — деди.

Яна бир воқеа. Институтни битирган қиз мактабга иш сўраб келди. Анора Маҳмудова унинг дипломини очиб қаради. Ҳамма баҳолари "аъло" экан. Ишга олди. Эртасига ўзи янги муаллимнинг дарсига кириб ўтирди. Ахир у раҳбар, қўл остида қандай кадрлар ишлаётганлигини билишга ҳақли. Янги ўқитувчи синфдаги болаларнинг адабиёт бўйича берган кўпгина саволларига жавоб қила олмади. Шу куни Анора Маҳмудова қизни хонасига чақиртирди.

— Ўқувчиларим анча билимдон. Буни ўзинг ҳам кўрдинг. Мен эса жуда талабчанман, демак, ўз устингда қаттиқ ишламасанг, бу даргоҳда узоқ қололмайсан, ўйлаб кўргин, — деди.

Қиз бош силкиди. Мана шунгаям уч-тўрт йилча вақт бўлди. Ҳозирда ўша муаллима мактабдаги энг билимдон ва фаол педагоглардан бири. Миннатдорчилигини билдириш учун бир куни Анора Маҳмудованинг хонасига кирди.

Таҳсил олаётган ўқувчилар орасида кўмакка муҳтож бўлган юздан ортиқ болалар бор. Уларнинг уч нафари туғма ногирон. Ўтган йилда мактаб шаҳсий ҳисоб рақамидан ўттиз нафар болага ёрдам пули ажратилди. Ижтимоий ҳимоя йилида эса кам таъминланган хонадонларнинг ҳар бир фарзандига алоҳида эътибор қаратиш, ногирон ўқувчиларнинг кийим-кечаги ва ўқув қуроллари учун маблағ ажратиш, баъзи бирларининг уйда сабоқ олишлари учун имкон яратиш кўзда тутилган.

Анора Маҳмудова билан суҳбатлашаётиб шуни англаб етдимки, Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон бу аёлнинг фақат меҳнатигагина эмас, гўзал сийратига, ҳавас қилгулик бой маънавиятига ҳам берилган мукофот экан! У давраларда "педагог миллат тарбиячиси" деган иборани кўп маротаба тилга олади. Аслида опанинг ўзи ҳам педагоглар оиласида улғайиб ўсган. Сўнг ўқитувчилар хонадонига келин бўлди. Эндиликда фарзандларининг аксарияти шу касбни танлашган. Тўрт нафар ўғил-қиз, ўндан ошиқ набираларнинг барчаси тўғрисўзлиги, ҳалоллиги, илм йўлидаги изланишлари, жамият хизматидаги фаоллиги билан шу катта хонадоннинг кўрки, ғурурига айланган. "Умр йўлдошим билан биргаликда болаларимизнинг эл-юртга керакли инсонлар бўлиб етишиши учун жон куйдирдик, ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётганидан мамнунмиз", — дейдилар опа.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудованинг ҳаёт йўли бир қарашда оддийга ўхшаб туюлади. Лекин шу оддийлик замирида улкан шижоат, фидойилик ва чуқур масъулият борлигини пайқаш қийин эмас. Яна шуни англаш мумкинки, миллат тақдирига масъуллик ҳисси уни озод ватан келажаги йўлида тинмай ҳаракат қилишга ундайди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ БАЙРОҚДОРЛАРИГА

У бизнинг байроқдир, мовий, яшил ранг
Ўт билан тўлдиринг кўнгил қаърини.
Уй томига қаданг, юракка қаданг
"Миллий тикланиш"нинг байроқларини.

— Лашкарларим, — дейман кўзим ёшланиб
Сизлар Темур билан топишажаксиз.
Жалолиддин янглиғ Унга ташланиб
Унга Кубро янглиғ ёпишажаксиз!

Гарчанд эрк мевасин кам-кам тотибмиз
Ватан тўлмоқдадир эрк қушларига —
Биз Сиз билан кириб бораётибмиз
"Миллий тикланиш"нинг беҳиштларига.

Биз сиз билан узиб бўлмас халқамиз
Кўнглимизга суюк бургут, сорлари.
Биз Сиз билан тўфон янглиғ қалқамиз
"Миллий тикланиш"нинг байроқдорлари!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар ижодиёти марказида хайрия тадбири ўтказди.

* * *

Партиянинг Элликқалъа туман кенгаши "Шодлик" болалар боғчасида "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни"га бағишлаб тадбир уюштирди.

* * *

Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Нуробод туманидаги "Наврўз" болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳамда 1, 2, 61, 34-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида мушоира, асфалтга расм чизиш ва спорт мусобақалари ўтказилди.

* * *

Партиянинг Арнасой туман кенгаши ташаббуси билан болалар оромгоҳида "Миллий демократик ғоялар — ҳаётимиз пойдевори" мавзуида ўқув семинари бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда болалар истироҳат боғида "Болалар — эртанги кунимизнинг муносиб эгалари" мавзуида адабий, бадиий, мусиқий кеча уюштирди.

* * *

Боёвут туманида партия фаоллари иштирокида "Ёш авлодни тарбиялашда оила, мактаб, маҳалланинг ўрни" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан Машинасозлик касб-ҳунар коллежида "Соғлом авлод — келажак таянчи" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан Денов шаҳар алоқа корхонасида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДПнинг роли" мавзуида конференция ўтказилди.

* * *

Қоракўл туманида партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан "Сайловолди компаниясини ташкил этишнинг самарали усул ва воситалари" мавзуида ўқув машғулоти уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Нишон туман кенгаши ташаббуси билан "Миллий тикланиш — боқий партия" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгашида шаҳар ва туман кенгашларининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Газетамизга 2007 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Фармонни ўқиб

БИЗ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛ

Одамлар қадимдан фаровон жамиятда яшашни орзу қилганлар. Бундай эзгу ниятлар ҳақида Шарқда улуғ бобокалонларимиздан Абу наср Форобийнинг "Фозил кишилар шаҳри" асарида, Ғарбда ҳам шунга ўхшаш асарларда баён этилган. Бироқ, тарихдан яхши маълумки, ҳамманинг ҳам бу истаги осонликча рўёбга чиқмаган.

Аслида ҳар бир инсон яхши яшашга ҳақли. Истиқлол туфайли ўзбек халқи аждодларимиз асрлар бўйи орзу қилган эркинликка эришди. Миллий анъаналаримиз, буюк қадриятларимиз тикланди. Инсоннинг қадр-қиммати улуғланди. Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсатда инсон манфаатлари биринчи ўринга кўтарилди. Юксак даражадаги фуқаролик жамияти барпо этиш асосий мақсад қилиб олинди.

"Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор, — дейди Президентимиз. — Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир".

Ана шу фикрдан келиб чиқиб айтганда, фуқаролик жамияти деганда мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг ўз ҳаётига доир қарорлар қабул қилиши, уларни назорат этиши ва жамият бошқарувида фаол қатнашиши таъминланишини тушунамиз. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий асоси кишиларнинг эътиқоди, жинси, миллатидан қатъий назар тенглигидир.

Президентимиз 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилганларида, унинг замирида жуда катта мақсадлар кўзда тутилганини содда ва аниқ тушунтириб бергандилар. Ижтимоий ҳимоя фуқаролик жамиятининг доимий ва асосий шартларидан бири бўлиб, моддий ёрдамдан ташқари, кимнидир иш билан таъминлаш, маънавий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, улар кўнглида халқ ва Ватанга муҳаббатни улғайтириш, кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, оналар ва болаларни асраб-авайлаш каби жуда кўп олижаноб фазилатларни қамраб олади. Халқимизда эса бу фазилатлар миллий қадрият даражасига кўтарилган.

Давлатимизда олиб борилаётган сиёсатда ана шу азалий анъаналар инобатга олиниб, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда улар ўз аксини топмоқда. Масалан, мустақиллик йилларида оилага алоҳида эътибор билан қараб келинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" дейилади. Зеро, оилага эътибор — жамиятга эътибордир. Чунки наслларни давом эттирадиган соғлом авлод оилада дунёга келади ва камол топади. Яқинда матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони эса жамиятимизда соғлом ва барқарор оилани қарор топтириш борасидаги интилишларнинг яна бир намунаси бўлди.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини икки асосий тушунча — ҳуқуқ ва бурч ташкил этади. Бу тушунчалар бирлиги фақат фуқаролик жамиятининг эмас, умуман балоғатга етган ҳар бир инсон, оила, ташкилот, ҳуқуқий давлат ривожланишининг асосий шартларидан биридир. Маълумки, мамлакатимиз сиёсатида Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги бош мезон қилиб олинган. Бу мақсадга эришишнинг асосий шартларидан бири кишиларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари ва уларга доимо амал қилишларидир.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўлда давлатга таянч ва суянч бўлиб, ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшсак, кўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз.

Азиза СУЛТОНОВА,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси.
Камолиддин ЖУМАЕВ,
талаба.

16 йил

АМУДАРЁЛИКЛАР ШИЖОАТИ

қатор соҳаларда кўзга ташланмоқда

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларда тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Юртбошимизнинг қорақалпоғистонликларга қарата чексиз меҳру муҳаббат билан айтган бу сўзлари шу муқаддас заминда туғилиб ўсган меҳнаткаш ва фидойи халқнинг қалбига фахру ифтихор туйғуларини бағишламоқда. Барча қатори меҳридарё элнинг бир бўлаги бўлмиш амударёликларни ҳам янги ютуқлар, зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Амударё нафақат Қорақалпоғистонда, балки, бутун мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик туманларнинг бири. Мустақиллик шарофати, истиқлол нури ила тобора чирой очиб бораётган юртимизнинг гўшаси ҳозир ислоҳотларнинг қайноқ нуқтасига айланган десак муболаға бўлмайди. Бугун туманнинг қаерида бўлманг, қайси соҳасини олиб қараманг, албатта, бирон-бир янгилик ёки ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Азму шижоатли амударёликларнинг жўшқин меҳнати билан ўзининг кўп минг йиллик бой тарихи, бетакрор анъаналари, миллий қадриятларига эга бўлган туман йил сайин гуллаб-яшнаб бормоқда.

Айниқса мустақиллик йилларида Амударё юртимизнинг гўзал масканларидан бирига айланди. Ўтган йиллар мобайнида бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, яшаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Янги фойдаланишга топширилган ўнлаб турар-жой бинолари, мактаб ва коллежлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга муҳим эътибор берилмоқда. Юзлаб километрга янгитдан тортилган қувурлар орқали марказдан олисда жойлашган овулу қишлоқларга ана шу ҳаёт манбалари етказиб берилмоқда. Фақат бугина эмас: янги барпо этилган юздан зиёд савдо, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бугун эл хизматида. Шу ўринда муҳим бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчимиз. 500 гектарга яқин суғориладиган ер аҳолига бўлиб берилди. Уларда икки ярим мингдан зиёд оила янги уй-жой қуриб, турмуш шароитини яхшилади. Ҳозир аксарият хонадонларда ёш оилалар истиқомат қилаётганлигини ҳисобга олсак, бу ерда уларнинг камолига доимо катта эътибор билан қаралаётгани аён бўлади. Зеро, ёш оилалар жамиятимиз таянчи, миллатимиз кўркидир.

Бир пайтлар туманда ҳатто кичик бир иншоот ёки иморат қуриш учун марказнинг розилигига кўз тиккан аҳоли ҳозир масаланинг ечимини ўзи ҳал этмоқда. Ютуқлари йил сайин мустаҳкамланиб бораяпти. Ахир Амударёнинг пахтаси дунёга чиқди. Пилласи тиллога айланди. Ёшлари эллар аро бўйилади.

Истиқлол туман аҳлига кўп нарсани берди. Манғит шаҳридаги фахрийлар уйи, бахт уйи, марказий шифохонанинг маъмурий биноси, поликлиника, маданият саройи, замонавий усулда қурилган еттита қишлоқ врачлик пункти, қатор маҳаллалардаги гузарлар ва ёзги очиқ эстрада майдончаси шулар жумласидандир. Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб шунга айтадилар-да. Амударёликларнинг шижоати иқтисодиётнинг қатор соҳаларида кўзга ташланмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ўзининг амалий натижасини бераяпти.

— Юртимизда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга, фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. — Соҳанинг истиқболи учун зарур шарт-шароитлар яратиб беріляпти. Давлатимиз раҳбарининг фермерларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир фармонларига биноан мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатини бошлаган эдик. Кам рентабелли, зарар билан ишлаб келаётган қишлоқ хўжалик корхоналари тугатилиб, улар негизида 609 та фермер хўжалиги ташкил қилинди. Уларга сервис хизмати кўрсатувчи барча инфратузилмалар — муқобил машина-трактор парклари, ёнилғи-мойлаш материллари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш шахобчалари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, биолабораториялар ҳамда мини банклар ташкил қилинди. Ҳар бир фермер хўжалигининг тайёрлов идоралари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиши йўлга қўйилди.

Фермер хўжаликларига кейинги беш йил ичида лизинг ҳамда кредит асосида жами 6 миллиард 720 миллион сўмлик 334 та турли русумли тракторлар етказиб берилди. Шу тарзда қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланди. Ҳақиқий деҳқоннинг ерга эгалик ҳисси кучайди. Фермерларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларни қисқартириш, ҳосилдорликни кўпайтириш эвазига даромадни ошириш, шунингдек, изланиш ва интилиш хислатлари пайдо бўлди. Энг асосийси фермер хўжаликларида моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ортиқча харажатлар сарф қилинишига чек қўйиш, бу орқали маҳсулот таннархини камайтириш ва даромадни ошириш даражасини кўтариш имконияти юзага келди. Туманимизда пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ҳар йили мўл ҳосил етиштирилиб, юқори натижаларга эришилаётганлигининг бош омили ҳам шунда.

— Таълимдаги ислоҳотлар самарасидан бугун ота-оналар мамнун, — дейди туман халқ таълими бўлими бошлиғи Озод Матмуродов. — Ахир, ўз фарзандларининг янги ва шинам, замонавий мактабларда ўқиётганини кимни қувонтирмайди, дейсиз? Шундай нурли кошоналарда йигит-қизларимизнинг илм эгаллаши яқин ўтмишда ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келган эмас.

Бу айни ҳақиқат. Ҳозир тумандаги мактабларда ўғил-қизлар илм сирларини чуқур эгаллаб, ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқдалар. Бунда албатта халқ таълими бўлими жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 2004 йилда Амударёда 4 та янги мактаб барпо этилган эди. Мустақилликнинг 16 йиллигида Манғит шаҳрида 350 ўринли 16-умумтаълим мактаби ишга туширилади. Капитал таъмирдан чиқарилган 5 та мактабда ўқувчилар янги ўқув йилини қарши оладилар. Бу билан замонавий қиёфага эга бўлган мактабларнинг умумий сони қирқтадан ошади. Болажон халқимизнинг ушалган орзулари аслида шу эмасми. Ҳали апрель ойи якунига етмасиданоқ мавжуд мактабларнинг таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилгани мутасаддилардаги катта иштиёқ ва ғайрат шижоатдан далолат бериб турибди. Бу ишни улар ўз кучлари билан амалга оширишди. Ҳозир амударёликлар болаларни ёзги соғломлаштиришнинг ташвишини қилишмоқда. Таътилни мароқли ўтиши учун зарур чораларни кўришаяпти.

Туман шифокорлари эса эл соғлигини юрт бойлиги деб билишади. Четдан маблағ ва ёрдамчи кучларни жалб қилмай, шарт-шароитларни яхшилаб боришаяпти. Марказий шифохонанинг қатор бўлимларини таъмирдан чиқарилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ички имкониятлар ҳисобига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб бормоқда.

— Аҳолига қулай бўлиши учун "Бердақ", "Қангли", "Оқ олтин" қишлоқ врачлик амбулаторияларини ҚВПларга айлантирдик, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Олимбой Ҳалимов. — Янги "Назархон" қишлоқ врачлик пункти биноси қурилиб ишга туширилди. Яқин орада тез тиббий ёрдам бўлимининг замонавий биносини ҳам фойдаланишга топширамиз.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимиздек Амударё тумани бугун ислоҳотларнинг қайноқ нуқтасига айланган. Қилинаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар шундан далолат бериб турибди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Партия ҳаёти

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Хотин-қизлар ҳамиша жамиятимизнинг гултожлари ҳисобланишган. Уларга эътибор, шубҳасиз, ҳаётимиз равнақини таъминлашга олиб келади. Пировардида мамлакатимиз ривожланади, давлатимиз қудрати ошади. Оиладаги тотувлик ҳам айнан аёлларга нисбатан қилинган ғамхўрликда ўз ифодасини топади.

Кейинги йилларда юртимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилаяпти. Буни мавжуд сиёсий партиялар фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда ҳам кўриш мумкин. Айни чоғда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг хайрли ташаббуси мамлакат бўйлаб қанот ёзмоқда. Унга мувофиқ хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш учун катта имкониятлар яратилмоқда. Худди шундай тадбирларнинг бири яқинда Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтди. "Жамият тараққиётида, сиёсий партиялар фаолиятида хотин-қизларнинг ўрни" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси экспертлари, таниқли сиёсатшунос олимлар ҳамда бешала партиянинг энг фаол аёллари иштирок этди.

Тадбирни республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини Гулнора Маҳмудова очиб, аёлларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги иштирокини қўллаб-қувватлади. Айни чоғда бу борада камчиликлар ҳам борлигини қайд этди. Чунончи, сайловда хотин-қизлар номзоди камчиликни ташкил этаётганлигини оқсоқликнинг айнан ўзгинаси деб ҳисоблади. Келгуси сиёсий жараёнларда партиялар ана шу жиҳатларга эътибор бериши зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, у "Миллий тикланиш"чиларга ҳавас билан қараётганлигини яширмади. Чунки, мазкур партия вакилларининг 44 фоизини аёллар ташкил қилаётганлиги наинки бизнинг юртда, ҳатто демократик тамойиллар тараққий этган дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сиёсий партиялар фаолиятида ҳам кўриш мушкул.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эксперти Жамила Шермуҳаммедованинг фикрича, давлатимиз сиёсий ҳаётида аёллар билан боғлиқ икки йўналиш бор: давлат, сиёсат, аёл; фарзанд, оила, меҳнат. Мана шу жиҳатларни аниқлаб олгандагина жамият ишида аёллар фаоллигини ошириш мумкин. Ахир, улар меҳрибон она, оила чироғи, садоқатли ёр, жонкуяр сингил, қадрдон опа ва кўнгилга қувонч ҳадя этувчи беғубор қиз эмасми?

Маълумки, юртимиз азиз авлиёлар бешиги ҳисобланади. Дунё тумаддунига тамал тошларини қўйган ҳам бизнинг ота-боболаримиздир. Уларга оналик қилган ҳам ўзбек аёллари эмасми? Оқсоч тарихнинг гувоҳлик беришича, мамлакатимиз тупроғи не-не босқинчилар оёғи остида топталмаган. Лекин уларга ҳамма вақт қақшатгич зарбани аввало аёллар берган. Аёл жасоратининг тимсоли йўқ; Тўмарис, Бибихоним каби момоларимиз шижоати қайси эркакларникидан қолишади? Ёки Увайсий-ю Нодирабегим, Зебунисо янглиғ назокатли аёллар тимсолида нафақат оила хотиржамлиги, балки она юрт ташвишларини ҳам кўрамиз. Шу ерда тўпланган азизу мукаррам опа-сингилларимиз ўшандай суюкли аёллар авлоди эмасми?

Анжуманда сўз олган "Фидокорлар" партияси вакили, тарих фанлари номзоди — олима С.Сулаймонова аёллар ташаббускорлиги билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталди. У мавжуд имконият ва электоратдан фойдаланиб, энг аввало хотин-қизларни иш билан таъминлашга эътибор қаратишни таъкидлади. Янги иш ўринлари яратилаётганда, биринчи навбатда кимни ишга олиш зарурати борлиги масаласини қўйиш керак, деди. Яна таъкидландики, айни пайтда мамлакат тараққиёти, тақдири учун барчамиз масъулмиз. Аммо айрим ҳолларда бизнинг ривожланиш тадбир-режамиз ҳокимлик лойиҳасига мувофиқ келмаётир. Ахир, юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлишини чин дилдан истаймиз-ку! Нега қарама-қаршиликлар бўлади?

Ушбу тадбирнинг очиқ мулоқотга айланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимованинг ҳиссаси катта бўлди. У фаолларни қандай муаммо ва масалалар қийнаб келаётганлиги, камчиликларни бартараф этишда қандай чора-тадбирлар қўллаш лозимлиги хусусида ошкора сўз юритди. Чунончи, аёлнинг ҳеч қачон ёлғон гапиришига ҳаққи йўқлигини айтиб ўтди.

Қизғин баҳс ва мунозараларда томонлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айни пайтда мамлакатимизда мавжуд бўлган рақобатбардош сиёсий партиялар билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўз платформасига эга бўлган "Миллий тикланиш"-чилар фаолиятини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбатида Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Х. Турғунбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева иштирок этди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Туман кенгашларида

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ КЎЗЛАБ

Яқинда Мирзо Улуғбек туман кенгаши фаоллари иштирокида ҳарбийлар билан бўлиб ўтган тадбир очиқ мулоқот тарзида ўтди. Давра суҳбатида ҳозирги замон маданияти, маърифат ва маънавият, ёшлар тарбияси ва келажаги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилганлар партия ҳаёти, сафдошларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Шайхонтоҳур туман кенгаши эса 102-умумтаълим мактаби битирувчилари билан учрашув ташкиллаштирди. Унда бугуннинг ёшлари, уларнинг маънавияти, битирувчиларнинг орзу ва мақсадлари ҳақида сўз борди. Туман кенгаши раиси А.Нуралиев йиғилганларни партия ҳаёти билан яқиндан таништирди, саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Ёшлар ҳам ўз навбатида фикрлари, таклифларини айтишди.

Собир Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан ҳам турли хил тадбирлар, учрашувлар уюштириб келинмоқда. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика таълим маркази ҳамда «Тахтапул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган «Дилбандим — жигарбандим» номли хайрия тадбирида пойтахтимиздаги 6 та Меҳрибонлик уйлари болаларига совға-саломлар тарқатилди. 100, 106-мактаб-интернатларда бўлиб ўтган «Озод Ватаннинг бахтли болаларимиз» тадбирида, 249-мактабда ўтказилган битирувчиларнинг хайрлашув кечасида ҳам партиядошларимиз иштирок этишди.

Ҳамза туман кенгаши ҳам бир қатор тадбирлар ташкиллаштирмоқда. 103-мактаб-интернат ҳамда 30-Меҳрибонлик уйида партия фаоллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувларда болажонлар ва аълочи ўқувчилар тақдирланди. Туман кенгаши бош мутахассиси Гулчеҳра Исмоилова, «Ёшлар қаноти» раиси Саида Юнусоваларнинг саъй-ҳаракатлари билан жойларда очиқ мулоқотлар, баҳс-мунозарали давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, партиянинг жойлардаги ҳар бир ташкилоти ўзига хос режа асосида фаолият юритаётир. Доимий уюшқоқликка эришиш, фаоллик эса муваффақиятлар гаровидир.

Ойгул СУЮНДИҚОВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси.

Қарор ва ижро

РЎЗҒОРДА КАМЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

Шаҳрихон азал-азалдан қўли гул ҳунармандларию, сахийқалб савдогарлари билан ном таратган. Кейинги йилларда бу ерда, айниқса, қишлоқ ва маҳаллалар ободончилигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Янгидан қад ростлаётган замонавий коллежлар, мактаблар, савдо шахобчалари қишлоқларга шаҳар нафасини олиб кираётир.

Мустақилликкача бўлган даврларда бир қишлоқда битта озиқ-овқат дўкони бўларди. Одамлар кундалик эҳтиёж молларини харид қилиш учун қанча масофа юриб келишарди. Энди давр бошқача. Шаҳарларнику айтмай қўяқолайлик, қишлоқларнинг ҳар бир маҳалласида бир нечта савдо дўконлари одамлар хизматида.

Биргина Шаҳрихон «Матлуботсавдо» очиқ акциядорлик жамиятида шу йилнинг ўзидаёқ Шаҳрихон шоҳкўчасида замонавий «Мини маркет» ва «Нонвойхона», «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гулқишлоқ» маҳалласида «Мини маркет» қуриб, фойдаланишга топширилди.

Туман «Матлуботсавдо» акциядорлик жамияти раиси Содиқ Акрамов билан Гулқишлоққа бордик. «Мини маркет» пештахталаридаги юзлаб турли-туман маҳсулотлар харидоргирлиги билан эътибор қаратаётир. Энг сифатли ва бозор нархларидан анча арзон озиқ-овқат маҳсулотларини сотаётган сотувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларнинг ширин табассум билан қилган муомаласини айтмайсизми? Энг муҳими, Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига мос тарзда алькоголли ичимликлар билан савдо қиладиган бўлим ҳам ишлаб турибди.

— Бизга қарашли дўконларда беш ойда аҳолига 654 тонна ун, 23 тонна ўсимлик ёғи сотилди, — дейди ҳамроҳимиз Содиқ Акрамов. — Маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сифати кафолатли бундай маҳсулотлар билан дўконлар узлуксиз таъминлангани аҳолига қулайлик туғдираётир. Шу қисқа давр ичида янги дўконлар қурилгани шарофати билан ўн бир нафар мутахассис иш билан таъминланди.

Тумандаги «Холдевонбек-М» савдо шўъба корхонасининг йигирмата савдо дўкони 5 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 46,5 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг дастлабки беш ойининг ўзидаёқ 500 тонна ун, 29 тонна ўсимлик ёғи сотилди.

«Савдо-асос-ишонч» шўъба корхонасида олиб борилаётган ишлар хусусида корхона раҳбари Мусажон Машрапов шундай дейди:

— Жорий йилнинг беш ойида 247,2 миллион сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди. Аҳолига 650 тонна ун, 46,5 тонна ўсимлик ёғи етказиб берилди. Ундан ташқари, 3,7 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги, 1,5 миллион сўмлик гўшт ва консерва маҳсулотлари сотилди. «Тоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қалача маҳалласида замонавий «Мини маркет» дўкони ҳамда тўртта спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи махсус дўконлар қуриб, ишга туширилди. Натижада олтита иш ўрни яратилди. Яна битта нон ишлаб чиқариш цехини яқин кунларда фойдаланишга топшириш кўзда тутиляпти.

Шўъба корхона жамоаси шу қисқа муддатда етти миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олишга эришди. Мусажон Машраповнинг таъкидлашича, фойданинг бир қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайрия ёрдами сифатида сарфланар экан.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Юртимиз зиёлилари

Юрак кардиограммаси таҳлил қилинадиган хонадан чиққан шифокор “Раҳимов Борийхон ким?” деб чақирди. Ёши етмишдан ошган отахон таҳлил натижасини поликлиника коридоридаги ўриндиқда интизор бўлиб кутиб ўтирарди. “Нима гап?” деган саволга дўхтир вазминлик билан “Ётиб даволанишингиз керак” деб жавоб қилди. Навбатчи бетўхтов “Жонлантириш бўлими”да жой тайёрлаш кераклигини айтганда аҳволи жиддийлигини англади.

ОТА ДУОСИ

Шифокорлар жадал муолажа усулларини қўллашди. “Энди беморни палатага ўтказиш мумкин” — бу сўз Борийхон ака учун “Энди яшашингиз мумкин”, дегандек эшитилди. Икки кишилик палатада аввалги безовта ҳолат сезилмас, ёнидаги шериги кўп йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган қария бўлиб, шунчаки саломатлигини мустаҳкамлаш учун ётган экан. “Тавба, дея хаёлидан кечирди Борийхон ака, етмиш беш йиллик умримда шунчаки даволаниш учун дўхтирга мурожаат қилмабман-а”. Кўнглидаги гапини янги қўшнисига айтганди: “Сиз, ўзбеклар шунақа, тўшакка михланиб қолмагунча шикоят қилмайсизлар” деган жавобни олди. Бир жиҳатдан бу гап ҳам тўғри. Енгилелпи хасталикларни оёқда ўтказамиз, ундан асорат қолиши мумкинлигини ўйламаймиз.

Борийхон ака шундай хаёл билан кўзи мудроққа кетганини сезмади. Шу тобда дўхтирнинг гапи эсига тушди: “Уйқу ҳам беморга қувват беради. Ором олганингиз маъқул”. Эҳ-ҳе, кўз очиб-юмгунча умрнинг шунча йили ўтиб кетибди. Тўғри, у ёшлигида ҳам хасталикка учраган, ошқозони безовта қилиб қаттиқ азоб чекканди. Асаларининг прополис моддаси жонига оро кирди. Барча қийинчиликларни сабот билан енгди. Шу дарддан фориғ бўлганда гўё онадан қайта туғилгандек, ҳеч нарса кўрмагандек бўлди. Лекин бирор марта юраги “тиқ” этган эмасди.

У беихтиёр оҳиста уриб турган юраги билан гаплашарди. “Ҳа, паҳлавоним, ҳаётимнинг нотекис даврларида панд бермадинг, энди оғирлик қиляптими? Ахир, шунча йил мени қўллаб-қувватладинг, бу ёғига ҳам туриб бер. Орзуларим жуда кўп, рўёбга чиққанини бирга кўрайлик”.

Аслида ҳаётда орзу-ҳаваснинг бўлгани яхши. Шу эзгу интилиш одамга қувват бериб, янгидан-янги манзиллар сари чорлайверади. Ёшлигидан иқтисодиёт илмига ихлос қўйган Борийхон қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш мавзуини астойдил ўрганди. Москвадаги идораларда, Тошкентдаги илмий-тадқиқот марказларида назарий билимларни мустаҳкамлаб, кейинроқ олий таълим тизимида ёш мутахассислар тайёрлашга умрини бағишлади. Тошкент аграр университетида бир неча йил профессор Ғани Миркаримов мудир бўлган кафедрада ишлади, домладан кейин устозининг чироғини ёқди.



Ҳар қандай назарий билим амалиёт билан мустаҳкамланган-дагина кўзланган самара беради. Борийхон аканинг педагогик фаолияти ана шу тамойил асосига қурилган. Шу боис у киши раҳбарлик қилган кафедра аъзолари республиканинг турли минтақаларида бевосита хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилиш билан шуғулланар, бу ишлар пировардида маҳсулот таннархини арзонлаштириш бўйича амалий тавсиялар тақдим этиларди. Диплом ишлари ҳимояси имкон борича қишлоқларда ўтказилар, битирувчи ёшлар ишларига профессор-ўқитувчилар қаторида далада ишлаётган раҳбар ва мутахассислар баҳо беришарди. Борийхон Раҳимовнинг бундай ноанъанавий иш усулларини жорий этганига бошқа кафедраларнинг мудирлари ҳавас қилишарди.

Борийхон ака Ўзбекистоннинг қайси бурчагига бормасин, ҳамма жойда шогирдлари устози олдига пешвоз чиқаверишади. Бундай ҳоллар хориж сафарларида ҳам рўй берганини айтсак, муболағага йўймассиз.

— Ўн йиллар муқаддам муборак ҳаж зиёратида Борийхон ака билан сафардош бўлдим, — дейди биология фанлари номзоди Абдулҳамид Ҳабибуллаев. — Ҳатто ўша жойда ҳам домланинг шогирдлари бор экан. Араб миллатига мансуб бир йигит Борийхон акага чексиз илтифот кўрсатиб, Мадина шаҳрини томоша қилдирганди.

Биз ҳикоя қилаётган замондошимиз гарчи иқтисодчи олим бўлса-да, адабиётга, бадиий ижодга ўзини чин мухлис санайди. Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг минг-минглаб сатрларини ёддан билади. Одатий суҳбатда ҳам улуғ ижодкорларнинг ҳикматга айланган сўзлари билан гурунгга маъно киргизади. “Қамиш боҳаво бўлди, охири бўйро бўлди”, “То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг” каби қаноатбахш сатрлар домла томонидан тез-тез такрорланади. Бу у кишининг нақадар маърифатли эканлигидан, нозик дид, юксак маданият соҳиблигидан далолатдир.

Маълумки, фанда олимларнинг мавқеи фан номзоди, фан доктори каби илмий даражалар билан ўлчанади. Лекин Борийхон ака гарчи докторлик диссертациясини ёқламаган бўлсада, салоҳияти, нашр этган кўплаб монография ва дарсликлари туфайли унча-мунча алломадан кам эмас. У кишига шогирд тушганларнинг издошлари бугун фан докторлиги даражасига эришган. Эндиликда уларнинг бари домлани ўзига устоз санайдилар. Илм соҳасида ҳам, ҳаётий масалалар бўйича ҳам Борийхон акадан йўл-йўриқ сўрашади.

“От изини той босар” деганларидек, Борийхон ака фарзанди Саидаҳмадни ҳам ёшлигидан иқтисодиёт илми сари етаклади. Ота ўгитларини дилига жойлаган ўғил Москвадаги иқтисодиёт академиясида таҳсил олди, у ердан тўғри Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги хўжаликлардан бирида ҳаётий тажриба орттирди. Эл назарига тушиб, мамлакат иқтисодиёт идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. Ота-боланинг юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ҳақидаги суҳбатларини тингласангиз, бундай мулоқотларда ижобий силжишларга нималар сабаб бўлаётганлиги, яна нима қилса ишлар юришиб кетиши хусусида манфаатдорлик билан сўз юритилади. Баҳс ва мунозара, фикрлар тўқнашуви, пировардида ягона хулоса чиқариш мароқли гурунгнинг мазмуни бўлиб қолади.

Ҳаёт тезкор ва тиғиз воқеаҳодисалар билан одамни шу қадар овора қилиб қўядики, баъзан андак ўй-хаёл суришга, босиб ўтилган йўлнинг мағзини чақишга фурсат бўлмайди. Шифохонада эса аксинча: туну кун ўзингиз билан ёлғиз қолганда бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, босган қадамлар салмоғи ҳақида ўйлашга, ҳар томонлама хулосалар чиқаришга имкон туғилади. Бошингиздан кечирган ҳар бир ҳолатни кўнгил чиғириғидан ўтказишга, баъзан “Қизиқ, наҳот мен шундай иш тутишни ўзимга эп кўрибман” ёки “Ўшанда қалбимга қулоқ тутиб адашмаган эканман-а”, деган ўйлар кечади. Бундай ўй-андишаларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратганда ҳам Борийхон ака ўтган умридан асло шикоят қилмайди. Етказганига шукр, шундай кунлар насиб этганига шукр, дея такрорлайди, шогирдларини дуо қилади. Эзгу дуолар ижобат топаверсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Давлат мукофотига номзодлар

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ФИДОЙИСИ

Талабалик бахтидан баҳраманд бўлганлар олий ўқув юртларидаги қайноқ ҳаёт тафтини жуда яхши тасаввур қиладилар. Ҳар қандай олимлар, талабалар билан осонликча тил топишиб кетавермайди. Талабаларнинг эҳтиромига сазовор бўлиш осон эмас, албатта.

Муаллим билимдон, нотиқ бўлиши мумкин. У республика миқёсида тан олиниб, юксак унвонларга муносиб кўрилган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бу талабаларнинг эътирофига уйғун келмаса бўлмайди. Бироқ устозимиз, марҳум, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳар жиҳатдан ёшларнинг ҳам, миллатимизнинг ҳам эътирофи ва эътиборига жуда муносиб инсон эди. Домладан бир соат маъруза эшитган киши борки, буни умр бўйи эсдан чиқармайди.

«Ҳозирги адабий жараён» фани бўйича биринчи дарсга Озод ака кирганлар. Аслида ярим йил давомида машғулотларни Умарали Норматов олиб боришлари керак эди. Зарур иши билан Фарғонага кетган шогирдининг узрини бизга бир оғиз гўзал лутф билан етказгач, Озод ака биринчи дарсни бошлаб берганлар.

Озод Шарафиддинов жуда билимдон ва заҳматкаш олим эди. Охирги икки китоби — «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» фикримизнинг ёрқин далилидир. Домла жаҳон адабиётини, XX аср ўзбек адабиётини, айниқса, 20-30-йиллар адабиётини, хусусан, Чўлпон ижодининг жуда катта билимдони ва тарғиботчиси эди. Китобларида домла ижодининг айни қирралари ўз ифодасини топган.

Озод Шарафиддинов Абдулҳамид Чўлпон асарлари нашрига бош-қош бўлди. Унинг «Адабиёт надир» деган китобига сўзбоши ёзди. Бу жонкуяр олим Чўлпон тўғрисидаги дастабки тадқиқотларга илмий раҳбарлик қилди. «Адабиётдаги давомли маънавий ва жисмоний террор, биринчи навбатда, ёзувчиларнинг, зиёлиларнинг иродасини синдиришга, уни эгиб олишга, ундаги инсоний ғурурни таг-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган эди». О.Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» асарида 30-йиллардаги эрксизлик, зўравонлик, мафкуравий тазйиқлар хусусида ана шундай жиддий фикрларни ёзади.

Бадиий асарнинг туб моҳияти, сир-асрорини англаш, тушуниб ҳис қилиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида кўпчиликка маъқул келадиган тарзда тушунтириш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун истеъдод лозим. Иқтидорли олимнинг бадиий-эстетик олами бошқалардан ажралиб туради, талқинлари, таҳлил, танқид ва баҳолашлари холис илмий мезонларга асосланади. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов ана шундай нодир олимлардан бири эди. Озод ака янги босилган асарга нисбатан энг тўғри сўзни айтарди, муайян бир адабий воқеалик ёки маълум бир ижодкор шахсини баҳолашда ҳам энг муносиб илмий баҳони берарди.

Озод Шарафиддинов ижодига хос бундай фазилатлар «Ижодни англаш бахти» китобида ҳам яққол кўринади. Ушбу асарга «Ижод ва шижоат» сарлавҳаси остида сўзбоши ёзган филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов олимнинг ижодий йўлига қисқача назар ташлар экан, ҳақли равишда: «Унинг онгли умр йўли, ярим асрдан зиёд ижтимоий, ижодий фаолияти улкан муҳаббат билан йўғрилган матонат ва шижоатлар силсиласидан иборат», дея таъкидлайди. Китобдаги бир қатор туркумларнинг ўзига хослигини инобатга олиб, олимга ҳақли равишда «танқидчи-эссенавис» таъбирини ҳам қўллайди.

Дарҳақиқат, О.Шарафиддинов қаламига мансуб хотираэсселар ҳам, кичик тақриз ва жажжи портретлар ҳам, жиддий адабий-танқидий мақолалар ҳам бугунги маърифат талабидан ўқувчининг тафаккурини, маънавий оламини бойитадиган озуқалар манбаидир. Озод ака ўзбек тилининг ҳам жонкуяри эди. Фикрини оғзаки тилда равон баён қилганларидек, ёзиш услуби ҳам, ёзган барча асарларининг тили ҳам ниҳоятда жозибали эди. Тил тўғрисида алоҳида мақолалар ёзган Озод аканинг айни фазилати бошқа кўпгина олимларга ўрнак бўлишга арзийди.

Шу маънода «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» китобларига киритилган айрим мақолаларнинг тилимиз истиқболи тўғрисида куйинчаклик билан ёзилгани сезилиб туради. Айни чоғда ҳар икки асарнинг тили ва услуби ниҳоятда гўзал, ибратга лойиқ.

Домланинг истиқлол ва миллий маънавиятимизни юксалтиришдаги хизматларини муносиб тақдирлаш маъносида «Ижодни англаш бахти» ҳамда «Довондаги ўйлар» китоблари учун Давлат мукофоти билан тақдирлаш жуда ўринли бўлар эди.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори.

Молия муассасаларида

МИЖОЗЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Юртимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир соҳада ўзгаришлар қилишни, ҳаётга янгича қарашни шакллантиришни тақозо этмоқда. Айниқса, молиявий муассасалар зиммасига долзарб вазифаларнинг юклатилаётганлиги уларнинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ва роли ортиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бу борада алоҳида тўхталиб, банкларнинг устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштиришнинг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Юртбошимизнинг бу кўрсатмалари бугун молиявий муассасаларнинг ўз ишларига нисбатан масъуллигини ошириш билан бирга, кенг кўламли замонавий хизматларни кўпайтириш борасидаги самарали изланишларига ҳам йўл очмоқда. Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасидаги амалий ишлар ўзининг ижобий самарасини беряпти. Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг бугунги фаолиятига назар ташласангиз бунга гувоҳ бўласиз. Бутун бошқармамиз ва унинг жойлардаги филиалларида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори асосида иш олиб борилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. Яъни, мижозлар манфаатини қўллаб-қувватлаш ва уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш устувор вазифага айланяпти.

Яратилаётган шароитлар, кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиб, молиявий аҳволини яхшилаб олган, фаолиятини изга солган кўплаб мижозларимиз «Пахта банк» — фаровонлигимиз калити», дея айтишмоқда. Хўш, бу нималарда кўринади? Вилоят бошқармаси ва филиалларимизда бизнес режаси кўрсаткичларининг доимий равишда бажарилаётганлигида. Уларнинг хизматлар бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бораётганлигида. Мижозларнинг банкка бўлган ишончи тобора ортаётганида.

Ўтган йилнинг 1 май ҳолатига кўра, бошқармамизнинг жами капитали 6,3 миллиард сўмни ташкил этган эди. Орадан бир йил ўтиб бу кўрсаткич 7,3 миллиард сўмга етди. Бошқачасига айтганда, бир йилнинг ўзида 1 миллиард сўм миқдорида ўсишга эришилди.

Шу билан бирга молиявий муассасамизнинг жами активлари йил сайин кўпайиб боряпти. Кейинги бир йил давомида уларнинг 26,6 фоизга ошганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Ахир, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 39,8 миллиард сўмга тўғри келган эди. Бу йил эса 50,4 миллиард сўмга етди.

Ўз олдимизга хизмат турларини кўпайтириб боришни, сифатини юксалтиришни, ҳажмини кенгайтиришни, асосий кўрсаткичларни доимий равишда ўстириб боришни мақсад қилиб қўйганмиз. Шунга мувофиқ бошқармамиз ва унинг филиаллари томонидан мижозларимизга малакали молиявий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида иш олиб бораётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, банкимиз иқтисодиётнинг қатор соҳаларини кенг қамраб олаётганлиги яққол намоён бўлади. Ўз навбатида янги ташкил этилган хўжалик субъектларига ҳисоб рақамларини очиб, уларга мақсадли кредитлар ажратиб келмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг ўтган тўрт ойи ичида қишлоқ хўжалиги корхоналари кредит маблағлари эвазига 150 тадан ортиқ техника воситаларини харид қилди. Бунинг учун 5 миллиард сўм сармоя ажратилди. Ўтган йилнинг шу даврида 60 та қишлоқ хўжалик техникаси учун 1,8 миллиард сўм маблағ сарфланганлини назарда тутадиган бўлсак, бу борадаги ўсиш ҳам кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига техникалар сотиб олиш учун ажратилган кредитлар миқдорининг ўсиши



Аввало, кредит ҳисобидан олинаётган техникаларни мувофиқ танланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Уларнинг бу замонавий воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга муваффақ бўлмоқдамиз. Жумладан, Германиянинг «Клаас» компаниясининг 11 та «Доминатор-130» русумли дон ўриш комбайни учун 1,4 миллиард сўм, 60 та «ТТЗ-80» русумли трактор учун 1,2 миллиард сўм, 19 та «МТЗ-80» русумли трактор учун 346,2 миллион сўм, 38 та «2ПТС-4» русумли тиркамалар учун 171 миллион сўм маблағ ажратилди. Вилоятимизда бу йил ғалла ўримини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда мавсумга тайёргарликни таъминлаш мақсадида «Агромашсервис» бирлашмасига қарашли машина-трактор паркларига қарийб 1,9 миллиард сўм кредит маблағи берилди. Бундан ташқари, ғалла майдонларини бегона ўтлардан тозалаш ва занг касаллигига чалинишини олдини олиш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилиш марказларига жами 450 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, 4,5 минг тоннадан зиёд кимёвий дорилар сотиб олинди.

Пиллачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Амалдаги йилнинг ўзида биргина шу мақсад учун 800 миллион сўмдан зиёд кредит ва бўнак маблағлари ажратилди. Унинг 500 миллион сўмдан ортиғи пиллакорларга нақд пул тарзида етказиб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида жами 387 та кичик бизнес субъектига 1,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38 фоизга кўпдир. Берилган маблағ халқ хўжалигининг реал секторларига жойлаштирилганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 39,7 миллиард сўм нақд пулни кирим қилишга эришдик. Ваҳоланки, ўтган йилнинг 1 майига қадар мазкур кўрсаткич 15,4 миллиард сўмни ташкил этган эди. Бу борадаги ўсиш 24,3 миллиард сўмга ёки 157,7 фоизга ошди. Шунингдек, шу давр ичида чакана савдо ташкилотлари филиалларимизга жами 59,9 миллиард сўм нақд пул топширди. Харидоргир ва тез сотиб олинадиган маҳсулотларни харид қилишлари учун уларга ажратган маблағимизга нисбатан банкимиз кассасига ярим миллиард сўм кўп нақд пул келиб тушди.

Бошқармамиз мутахассислари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу туфайли омонатчилар йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Қулай ва самарали бу хизмат туридан мижозлар унумли фойдаланишмоқда. Жумладан, аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилнинг 1 май ҳолатига кўра 3,8 миллиард сўмни ташкил этган эди. Аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилганлиги туфайли бу йилга келиб мазкур кўрсаткич 6,2 миллиард сўмга етди. Яъни, қисқа муддатда 2,4 миллиард сўм ёки 163 фоиз ўсишга эришилди.

Аҳоли омонатларининг ўсиши (млрд. сўм миқдорида)



Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 24 сентябридаги 445-сонли қарорига мувофиқ пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Мазкур қарордан келиб чиқиб шу йилнинг ўзида чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари, аҳолидан нақд пул қабул қилиб олувчи бошқа соҳаларга жами 175 та терминал ўрнатдик. Бунинг эвазига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан терминалларни 70 тага кўпайтиришга ва аҳолига 50 мингдан зиёд пластик карточка тарқатишга муваффақ бўлдик.

Терминаллар ва пластик карточкалар сонининг ўсиши



Ўтган йилнинг 1 май ҳолатига кўра пластик карточкаларга 1,1 миллиард сўм маблағ жалб этилган. Терминаллар орқали 325,8 миллион сўм савдо айланмалари амалга оширилган. Пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи 246,5 миллион сўмни ташкил этган эди. Жорий йилда эса пластик карточкаларга жалб қилинган маблағ 2,6 миллиард сўмдан ортиб кетди. Терминаллар орқали 1,1 миллиард сўм савдо айланмалари амалга оширилди. Пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи 815,3 миллион сўмни ташкил қилди.

Яна бир гап: филиалларимиз орқали хизматимиздан фойдаланаётган қирқдан зиёд фермер хўжаликларига шартнома асосида савдо кўргазмаларидан 1,3 миллиард сўмлик «Алтай», «Беларус» тракторлари ва бошқа техника воситалари кредитга олиб берилди. Жумладан, Пайариқ туманидаги «Олмосбек-ДЗ», Каттақўрғон туманидаги «Раҳмат Ўроқов», «Тожинорбегим», Тайлоқ туманидаги «Дўланбобо», Оқдарё туманидаги «Баҳромбобо», «Чорбоғтепа» фермер хўжаликлари шундай замонавий техникаларга эга бўлганликлари учун бугун банк мутасаддиларига раҳмат айтишмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларига мини технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишлари учун 1,2 миллиард сўмлик 15 та лойиҳани молиялаштирдик. Хусусан, Жомбой туманидаги «Жакфа-Агро-Мир» корхонасига макарон ишлаб чиқариш ускунаси, Пахтачи туманидаги «Родник Пахтачи» қўшма корхонасига ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган мини завод, Пастдарғом туманидаги «Унумдор» фермер хўжалигига мева-сабзавотларни қуритиш ускуналари кредит ҳисобидан олиб берилди. Ўз навбатида бу техникалар жойларда янги иш ўринлари вужудга келишига ҳам имкон яратди. Юзлаб қишлоқ аҳолиси ишли бўлди. Уларнинг оиласига, рўзғорига қутбарака кирди. Бу ҳам албатта, элимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи йўлида қилаётган беқиёс ишларимизнинг самарасидир.

Бугун «Пахта банк» — мижозларнинг фаровонлиги калитига айланган. Хизматимиздан баҳраманд бўлаётганлар бунга тўла ишонч ҳосил қилишган.

Бадриддин НАСРИЕВ,
Акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошқарувчиси. ®

Ўзбегимнинг лочинлари
баркамол бўл, қодир бўл!
Қанотингни юлғувчига
шафқат қилма, чапдаст бўл.
Ўзбегимнинг фахри бўлгин,
эгилмасин ҳеч бошинг,
Синовларда саботли бўл,
тугамасин бардошинг.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ИНСТИТУТНИНГ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Оқдарё туман ҳокимлиги ва "Мустақиллик" маҳалласи билан ҳамкорликда "Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон", "2007 йил— Ижтимоий ҳимоя йили", "Маҳалла — тинчлик, осойишталик қўрғони" мавзуларида анжуман уюштирди. Унда маҳаллалар вакиллари, партиялар етакчилари ва фуқаролар иштирок этишди.

Тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд вилояти филиали раҳбари Ж. Баҳрамов, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. Яхшиликов ҳамда "Мустақиллик" маҳалласи раиси Н. Тешаев кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқди.

Бу йил Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Қутлуғ санага тайёргарлик ишлари қизғин бораяпти. Йиғилганларга шаҳардаги ободончилик ишлари, янгиликлар, умуман байрам тадориги тўғрисида маълумотлар берилди.

Шу куни "Мустақиллик" маҳалласи аъзоларининг фаоллиги, хоҳиш-истаклари инобатга олиниб, яна бир хайрли ишга қўл урилди. Маҳалла базасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоятдаги таянч пункти очилди.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Жаҳон ҳафта ичида

Бангладешда тошқин

Бангладешда рўй бераётган табиий офатлар оқибатида қурбонлар сони 87 кишига етди. Полициянинг билдиришича, уй тагида қолиб кетган қурбонлар сони яна ошиши мумкин. Аҳоли вакилларидан етмишдан ортиғи оғир жароҳат билан шифохонага ётқизилди.

Маълумотларга кўра, бедарак йўқолганлар сони юздан ошиқ. Метеорология ходимларининг айтишича, ёғингарчиликнинг давом этиши вазиятни янада жиддийлаштириши мумкин.

Компьютерлар сони миллиардга етади

2008 йилнинг охирида дунё миқёсида шахсий компьютерлар сони бир миллиардга етади.

Мазкур маълумот «Форрестир Ресирч» маркетинг компанияси тадқиқотларига таяниб эълон қилинди. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 2 миллиардга етиши мумкин. Шахсий компьютерлар сони 2003 йилдан 2015 йилгача бўлган давр оралиғида ҳар йили 12 фоизга ўсиб боради.

Саркози партияси олдинда

Францияда парламент сайловларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакат президенти Николя Саркози бошқарувидаги «Халқ ҳаракати учун иттифоқ» (UMP) партияси 39,54 фоиз овоз тўплаб, Миллий ассамблеянинг 93 та ўрнини банд этди.

UMPнинг асосий рақиби ҳисобланмиш Социалистик партия сайловчиларнинг 24,73 фоиз овозига эга бўлди. «UDF-MoDem» партияси 7,61 фоиз, Миллий фронт 4,29 фоиз, Коммунистик партия 4,29 фоиз, Сўллар 3,41 фоиз, «Яшиллар» 2,25 фоиз овоз тўплади. Умумхалқ тадбирида сайловчиларнинг 60,24 фоизи қатнашди.

Миллий ассамблеяда қайси партиянинг неча ўринга эга бўлиши сайловнинг иккинчи тури натижаларига қараб аниқланади.

Болливуднинг «энг яхши»лари

Англиянинг Шеффелд шаҳрида Ҳиндистон фильмлари олий мукофотлаш тантаналари бўлиб ўтди. Маросимни 30 минг нафар томошабин бевосита кузатди. Мукофотлаш тантаналарини дунёнинг 110 мамлакатида жами 500 миллион одам томоша қилди. Маросимда 15 та номинация бўйича ғолиблар тақдирланди.

«Голливуднинг эмас, Болливуднинг «Оскар»и» деб номланган мукофотни «Ранг де Бесанти» яъни, «Баҳорий ранг бер!» фильми қўлга киритди. «Энг яхши эркак роли учун» номинациясига «Крриш» фильмидаги ўргимчак одам роли учун актёр Хритик Рошан, «Энг яхши актриса» номинациясига эса «Ҳеч қачон алвидо деманг» фильмида бош қаҳрамонлардан бирини ижро этган Рани Мукержи сазовар бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Сабоқ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Ҳикмат китобларида ёзилишича, қадимги юнон файласуфи Диогендан: "Одамзот учун энг қийини нима?", — деб сўраганларида у: "Инсон сифатида ўз-ўзини англашидир", — дея жавоб берган экан...

Аждодларимиздан қолган шундай бир ҳикоят бор: очликдан ўлар ҳолга етган бўри дала йўлида юнглари ялтиллаб турган чиройли итни кўриб қолади.

— Кўринишинг бунча ёқимли, қандай қилиб шунга эришдинг? — дейди бўри қизиқиб.

— Мен хожамнинг уй-ҳовлиларини қўриқлайман ва бунинг эвазига лаззатли таомлар ейман, — дейди ит. — Истасанг, юр, биргаликда хизмат қиламиз.

Бўри унга эргашиб бораётиб, итнинг бўйнидаги тасмага кўзи тушди. "Бўйнингдаги нима?", — деб сўрайди.

— Хожам бўйнимга занжир осиш учун шу тасмани боғлаб қўйган, — деб жавоб беради ит.

— У ерда занжир бўлса мен бормайман, — дейди бўри ортига тисланиб. — Бир умрлик озодлигимни бир бурда нонга алишмайман.

Алқисса, дунёда эркдан кўра буюкроқ неъмат йўқ. Эркли бўлиб яшаш эса ўзликни танимоқдир. Озодлик ва ўзлик бир-бирига узвий боғлиқ тушунчалардир.

Аллоҳ оламдаги жамики мавжудотлардан кўра инсонни улуғ қилиб яратди, унга ақл, одоб, ҳунар ва илм берди. Шу неъматлар туфайли одамзот яратганни танишга, ўзидаги фазилатларни улғайтиришга эришди, ҳар жиҳатдан камолотга эришиш имконига эга бўлди. Шу аснода ҳурмат-обрў қозонди, ўзлигини англай борди. Ўзлигини англаган киши ўзганинг оғриқларини ҳис қилади, яшашнинг мазмунини тушунади, дунё тақдири, башарият келажаги учун куюнади. Бундай туйғулар ижтимоий ва шахсий ҳаётда катта мақсадлар билан яшаш, ҳалоллик йўлидан боришга ундайди.

Шу ўринда яна бир ҳикоятни келтирамиз. Қадимги Юнонистонда ибодатхонани бунёд этишга киришган учта устадан сўрашибди:

— Кўнглингиздан шу тобда қандай ўй-хаёллар кечяпти?

— Эртадан кечгача тош ташиш билан машғулман, ҳеч нарсани ўйлашга вақтим йўқ, — деб жавоб берибди биринчи уста.

— Бу ерда тирикчилик важидан ишлаяпман, холос, — дебди иккинчи уста.

Учинчи уста эса:

— Биздан кейингилар тоат-ибодат қиладиган шундай улуғ бинони қуришга ҳиссам қўшилаётганидан ғурурланаман, бу бинонинг илоҳий қудрати ҳозирданоқ кўнглимни нурафшон этиб турибди! — дебди.

Ҳа, ўзликни англаш инсоннинг маънавиятига, феълига, оламга қай нигоҳ билан қарашига ҳамда ҳаётни қандай идрок этишига боғлиқ. Виждонли одам — ўзлигини тўла англаган одамдир. Чунки, виждон ҳар бир хатти-ҳаракатимизни мунтазам тарозида ўлчаб тургувчи буюк ҳакам. Ҳаётда энг тўғри қарорни чиқаришимизда виждон ҳамиша кўмакчи бўлади.

Абдулла Авлоний "Усон миллат" асарида виждон тушунчасини шундай таърифлайди:

"Виждон руҳимизга таъсир қиладиган ҳиссиёт, маънавий қувват, инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезонидир, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмоқ ила бошқаларнинг ҳам афзал ҳаракатини сезур..."

Қадимги римликларда "Виждон бу мингта гувоҳдир" деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Демак, ҳар киши ўз виждони олдида ҳамиша ҳисоб беришга одатланмоғи лозим.

Виждон поклиги инсонни камолот сари етаклайди, унинг мазмунли умр кечириши учун асос бўлади. Чинакам озод инсоннинг виждони ҳам тобеликдан ҳоли, ўзлигини англаб етган ҳисобланади. Озодлик эса улуғ тушунча. Бизнинг ўзбек халқимиз минг-минг йиллардан буён ўзининг бақувват томирларидан баҳра олиб яшайди. Оғир йилларда бу халқ ўз эътиқодига содиқ қолди, соф виждон билан ҳаёт кечирди.

Аждодларимиз битган нодир китобларни халқимиз дил-дилидан қадрлайди. Уларни деворлар қатига, қабристонлар ичига яшириб бўлса-да, келгуси авлодлар учун омон сақлади аждодларимиз. Имонини йўқотмади. Шунинг учун бўлса керак, не-не оғир ва қийин шароитларда ҳам фарзандларига тўғриликдан, ҳалоллиқдан сабоқ беришдан эринмади. Маънавий қадриятларни эъзозлаб яшади.

Донишмандлардан бири айтади: "Виждон тана ичидаги нур, ҳақ ёки нохақлик шу нурнинг қуввати орқали билиб олинади!" Яна бир ҳикоятда: "Соф виждон ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаргусидир!", — дейилади. Покиза виждон билан яшаш доимо эзгуликларга йўл очади, инсонни баланд мартаба сари етаклайди. Бир замонлар Искандаршоҳ ўз устози Арастуга: "Менга бир-иккита насиҳат сўзлардан айтингки, буни эшитиб комилликка эришай", — дейди. Шунда Арасту унга: "Доимо илм ол, ўрганмоқдан ҳеч вақт ор қилма, ўз айбингни билмоққа интил ва уни тузат, чунки айбли одам ҳар ерда ожиз бўлади. Ҳамма вақт фикр ва тадбир юзасидан иш тутгин, айбингдан огоҳ қилганларга ғазабингни сочма", — дейди.

Ҳа, инсон аввало ўз ҳаётининг мазмунини тушуниб яшамоғи керак. "Мен аслида кимман, нима учун яшаяпман?", — дея ўз-ўзидан сўраши, саволларига ўзидан жавоб излаши лозим. Ана шундагина инсон ўзини, ўз Яратувчисини танийди, яшаш моҳиятини чуқур идрок этади. Ва ниҳоят бундай киши комилликка эриша боради.

Демак, ҳар бир одам умри давомида яхшиларга йўлдош бўлиб, ўзини кашф этади, шу жараёнда ўзликни англаш босқичини эгаллайди. Пок виждони олдида мағрур қадам ташлаб яшашнинг ўзиям бир ҳикмат, аслида. Негаки, жамият хизматига камарбаста инсоннинг ҳаёти саодатлидир. Саодатманд бўлиб яшамоқ ҳар биримизга насиб этсин.

Зайниддин ИСАМУҲЕМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси.

Қатра

БУХОРО «МАВРИГИ»

Бухоройи шариф жаҳон санъати шинавандаларига нафақат "Шашмақом"и, балки ўзининг "Мавриги" сингари халқона ашула ва лапарлари билан ҳам машҳурдир.

Бухоро мусиқий мероси дунё маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллагани учун "Мавриги" кўҳна тароналарини сақлаб қолиш ҳамда бугунги ҳофизлар ижросида жаранглашини таъминлашдек хайрли ишларга халқаро ташкилотлар ҳам бош қўшдилар.

Чунончи, Швейцариянинг Ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги республикамиз ҳофизлари тажрибасига таяниб, "Мавриги" қўшиқлари туркумининг янги ижроси асосида ўзига хос фольклор томошасини яратиб, уларни CD ва DVD аудио ҳамда видеодисларга кўчириш лойиҳасини ишлаб чиқди.

Санъатимиз мўъжизаси — Бухоро мавригиҳонлиги санъатсеварларнинг неча-неча авлодига мусиқий мерос сифатида завқ бағишлаб, уларни ҳайратга солаверади.

Ихтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

ЭГАСИГА ЕТМАГАН МАКТУБ

Кутубхонадан китоб олгандим. Ичидан хат топиб олдим. Катак дафтарнинг бир варағига майда-майда ҳарфлар билан худди қоғозни тежаб ёзилгандай ёзилган бу мактуб қўлимдаги китобдан ҳам қизиқроқ туюлди менга. Хатга бирров кўз югуртирдиму аввалига уни ўқимай қўя қолай, деган хаёлга бордим. Ҳар қалай, бировнинг хати. Балки, уни ёзган одам китобнинг ичида унутиб қолдиргандир. Балки, у ўз эгасига етиб бормагандир. Хат муаллифи ким бўлса ҳам шу кутубхонага қатнайдиган китобхонлардан бири эканлиги аниқ. Йўқ, балки кимдир ўша китобхонга айтолмаган сўзларини қоғозга ёзгандиру китобнинг ичига солиб қўйгандир...

Минг битта ўйга бориб, иккиланиб турдим. Барибир қизиқишим устунлик қилди. Хатни ўқидим. Ўқидиму кўзларимга ёш келди. Ҳаммасини тушундим, тушундим... Охирги тахминим тўғри чиққанди.

Мана ўша хат: «Муниса! Мени кечир, сени хафа қилиб қўйдим. Сен яхши қизсан. Мен ўзим ёмонман, ғалатиман. Сен ҳеч қачон мени хафа қилмагансан. Бундай қилолмайсан. Сен беозорсан. Мен... (мактуб эгаси шу ерга келганда ниманидир ёзгану иккиланиб, уни ўчириб ташлаганди. Қанча уринмай, у сўзларни ўқий олмадим) Мени қўй, мени унут! Барибир бир куни мени унутасан. Ёки соғиниб эслайсан. Қани эди, эсласанг!.. Ўшанда мен йўқ бўламан барибир. Ҳа, йўқ бўламан бу дунёда. Шаҳардаги тиббий марказда шундай хулосага келишибди. Ота-онам ҳам, бошқалар ҳам мендан буни яширишяпти. Синглимнинг йиғлаб, Худодан менга умр сўраб қилган илтижосини эшитиб қолдим. У мени ухлади деб ўйлаб, пичирлаб, кафтини дуога очиб, соғ бўлишимни сўрарди. Унинг биттагина, энг яхши кўрган акаси эканлигимни айтиб йиғларди. Ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. Уч-тўрт кунлик умрим қолганмиш. Ёш бўлганим учун умрим қисқалигини билмай, беғам яшайверган эканман.

Энди биляпман соғлиғимнинг қадрини, сенинг қадрингни. Сен балки бу хатни ўқимассан. Хатни сен яхши кўрган китобнинг ичига солиб қўяман. Боягина, ҳол-аҳвол сўраб ёнимга келганингда уни ўқиб бўлганингни айтгандинг. «Сиз ҳам ўқиб кўринг. Яхши китоб экан, кейин кутубхонага қайтариб берарман», дегандинг. Балки, уни ўқирсан. Охирги умидим шу. Ишон, сенга кеча айтган гапларим мутлақо ёлғон. Сени ёмон кўрмайман. Сен касалим оғирлигини эшитиб, хафа бўлсанг ҳам ёнимга келибсан, раҳмат. Мунис, мен... ишон, ўн йил бўлди бунга. Ўн йил! Айтишга осон. Сен, билмадим, сен қачон менга кўнгил қўйгансан.

Балки, мен шундай деб ўйлаб, хурсанд бўлиб юргандирман. Доим сен ўзингни менга дўстдек тутасан. Мен ҳеч қачон сенга сездирмаганман сени қандай кутишимни. Юракларим ўртаниб соғиниб кетсам ҳам сездирмасдим. Сен билан гаплашсам, бутун дунёни, ташвишларни, ҳамма нарсани унутаман. Сенга ҳеч қачон айтмаган, айтолмаган гапларимни ёзгим келяпти. Лекин... мана, қоғоз ҳам, сабрим ҳам, афсуски... умрим ҳам тугаб бораяпти. Сени яхши...»

Мактуб эгаси балки қолган гапни иккинчи варақка ёзгандир. Балки, ёзолмай қолгандир. Ёзишга журъат тополмагандир. Ёхуд мадори етмагандир... Балки, ким билсин, хатни қоғозга туширган йигит орамизда яшаётгандир. Балки, у аллақачон...

Муниса бу хатни ўқиганмикин? Ўқимаган бўлса-чи?

Ўзим савол бериб, ўзим жавоб топиб, анча вақтгача ўйланиб ўтирдим. Узоқ йиллардан бери бир жойда ишлайдиган, касбини яхши кўрадиган кутубхоначи опадан мендан аввал китобни олганларни суриштирсаммикин, деган хаёлга ҳам бордим. Йўғ-а, кутубхонага юзлаб одам келиб-кетса...

Хўп, Мунисани топдим ҳам дейлик, унга нима дейман? Уни излашим шартмикин... Қўлдан қўлга ўтавериб, сарғайиб, саҳифалари титилиб кетган китобга узоқ қараб қолдим. Кейин тугалланмаган сирли хатни китобнинг ўша саҳифасига беркитдиму яна мутолаага берилдим.

Яхшиси, бу ҳақда бошқа ўйламайман. Ўқиб бўлгач, китобни кутубхонага топшираман. Зора Мунисанинг ўзи такрор ўқиш ниятида келиб бу китобни олса...

МАНСУБА.

Маънавий заҳиралар

МУЗЕЙЛАР ЎТМИШДАН САДО БЕРАДИ

Жиззах тарихини ўзида мужассамлаштирган вилоят ўлкашунослик музейи республикамиздаги йирик музейлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибига 7 та бўлим — Шароф Рашидов, Ҳамроқул Носиров, Ҳамид Олимжон, Ҳайдарбек Абдужабборов ва Зулфия номидаги ёдгорлик музейлари, археология бўлими ҳамда Зомин тарихий музейи киради. 1986 йилда ташкил этилган бу маскан бор-йўғи 262 та экспонат билан иш бошлаган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 20 мингга етди.

Экспонатларни кўздан кечирар эканмиз, узоқ ўтмишимиздан садо бераётган қадимги маданий ёдгорликлар диққатимизни тортади. Археология бўлимида сақланаётган сопол идишлар, аёллар безаклари, тошдан ясалган буюмлар аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат анъаналаридан бизни огоҳ этади. Ўрда, Қалиятепа ва Пардакўлтепадан топилган бу ёдгорликлар Жиззахнинг узоқ ўтмишга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, музейда халқимизнинг бой тарихини акс эттирувчи минглаб осори атиқалар мавжуд.

Кўплаб тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда "Аждодларимиз мероси" ҳамда "Бугунги Жиззах тараққиёти" номли кўргазмалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистонда, хусусан Жиззахда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар, юртдошларимиз эришаётган муваффақиятлар тўғрисида лавҳалар, фотосуратлар билан уйғунлашиб кетган. Зеро, мустақиллик йилларидаги ишлар ҳам тарих саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Археологларнинг изланишлари Жиззах тарихи 2000 йилдан ҳам зиёдроқ вақтга тўғри келаётганини кўрсатмоқда. Эндиликда Жиззахнинг ёшини аниқлаш, уни дунёдаги энг қадимги шаҳарлар қаторига қўшиш ишларини олиб бориш зарур.

Халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейлар фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони биз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда, — дейди вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими Муҳаббат Дўлиева. — Музейимиз фаолиятини янада яхшилаш чоратадбирларини кўраяпмиз. Ниятимиз залларимиз одамлар билан доимо тўлиб турса. Ташриф буюрувчилар бой тарихимизни ўрганишсин, аждодларимиз қилган ишлар билан танишсин. Шундагина уларнинг она-Ватанга меҳру муҳаббати ошади, ўзлигини англайди ва шу азиз юрт учун кўп ва хўп эзгу ишлар қилишга чоғланади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шариповга синглиси **Марғуба ШАРИПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 523.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 21.10